

Даромад тайёр келмайди, имкониятдан яратилади

2-с.

“Ризқ қидириб узоқларга бориш шарт эмас...”

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
23 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№77
(2405)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

БУГУНГИ СОНДА:

Бир хонадондан бошланган ташаббус 50 та оиланинг дардига дармон бўлди

Мен ёшлар билан ишлашни шунчаки вазифа эмас, ўзим учун муҳим бурч, деб биламан. Чунки йигит-қизларга берилган эътибор кўпинча уларнинг келажаги учун имконият бўлади. “Савоб” лойиҳасини ҳам айнан шу ишонч билан бошлаганмиз. Дастлаб ҳомийларимиз кам эди. Баъзан ёрдамни ўзимиз йиғиб, ўзимиз етказган кунлар ҳам бўлди.

3-с.

Ажрашиш оталик масъулиятини камайтирмайди

Қонун ота-онанинг вояга етмаган фарзандларини таъминлаш мажбуриятини белгилаган. Бу талабнинг замирида эса оддий, аммо жуда муҳим ҳаётий ҳақиқат бор: бола ўз эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлай олмайди. Шу боис катталарнинг ҳар бир қарори унинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатади.

7-с.

Йўл ҳаққи нархини ошириш муаммога ечим бўладими?

Жамоат транспорти — ижтимоий соҳа. Халқнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ундан фаол фойдаланади. Демак, нархнинг кескин ошиши ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

8-с.

КУН НАФАСИ

“ЯШИЛ МАКОН”НИНГ ЯНГИ ФАЛСАФАСИ:

ЯШИЛЛИКНИНГ МАНЗИЛИ ҲАМ, МЕЗОНИ ҲАМ — МАҲАЛЛАДА!



БИР ДАРАХТ ЭКИШ ОСОН. АММО УНИНГ ИЛДИЗ ОТИШИ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЯШАБ ҚОЛИШИ УЧУН БУНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС. УНИНГ ОРТИДА ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН КЎЧАТ, ТАЙЁРЛАНГАН ТУПРОҚ, СУВ, МУНТАЗАМ ПАРВАРИШ ВА ЭНГ МУҲИМИ, УНГА ЭГАЛИК ҚИЛАДИГАН МАСЪУЛИЯТЛИ МУНОСАБАТ ТУРИШИ КЕРАК. ШУ МАЪНОДА, “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ КЎЧАТ ЭКИШ МИҚДОРИДАН КЎРА, УНИНГ МАҲАЛЛА ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ ЯШАБ ҚОЛИШИ МАСАЛАСИНИ КУН ТАРТИБИГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА.

Маҳалла учун “яшил ҳудуд”, бу — **ёзнинг иссиқ кунидаги соя, болаларнинг очиқ ҳавода ўйнайдиган жойи, кекса авлоднинг ҳордиқ чиқариш манзили, пиёданинг қулай ҳаракатланиш муҳити, ҳавонинг сифати ва, охир-оқибат, одамнинг яшаш шароити.** Демак, маҳаллада экилаётган ҳар бир кўчат эртанги муҳитнинг бир қисми саналади.

Шу боис “Яшил макон” лойиҳасининг янги босқичида асосий мезонни “қанча кўчат экилди?”, деган саволдан “қанчаси тутиб кетди, қандай парваришланди ва аҳоли ҳаётида қандай муҳит яратди?”, деган саволга кўчириш муҳим. **Президент Шавкат Мирзиёевга “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллаларда аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш ва инновацион ечимларни жорий этиш юзасидан ўтказилган тақдимотда** бу борада муҳим вазифалар белгиланди.

Давоми 2-саҳифада.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“ЕТТИЛИК” ХОДИМЛАРИДА “БУ МЕНИНГ, БУ СЕНИНГ ВАЗИФАНГ”, ДЕГАН ФИКР ЙЎҚ”



Беш йилдирки, профилактика инспектори бўлиб хизмат қилиб келяпман. Бу — оз муддат эмас. Орада ёшу кексани яқиндан танидим, ҳар бир оиланинг феъл-атвори, қувончу ташвиши аён бўлди. Улар мени ўз фарзандидек, ака ёки укасидек қабул қилишади, мен ҳам уларни ўзимнинг яқинимдек кўраман.

Муваффақиятимизнинг асосий калити — ҳамжиҳатликда. “Еттилик” ходимларида “бу менинг, бу сенинг вазифанг”, деган фикр йўқ. Кимнингдир хонадонида муаммо чиқса, барчамиз оёққа турамиз. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, **тўрт йилдирки, жиноятчиликдан холи — “яшил тоифа”дамиз.**

Давоми 5-саҳифада.

ЎЙГА ТОЛДИРГАН ЎЙЛАР

ҚИЗНИНГ ОВОЗИ БАЛАНД, ОНАНИНГ СУКУТИ ОҒИР ЭДИ...



Ҳурмат талаб билан ўргатилади, деган тушунча ҳар доим ҳам тўғри эмас. Бола ҳурматни, аввало, оиладаги муносабатдан кўради. Уйда катталар бир-бири билан бақириб гаплашса, бола ҳам жаҳл пайтида овозини баландлатишни оддий ҳол, деб қабул қилиши мумкин. Аксинча, ота-она келишмовчиликни суҳбат, тинглаш ва муроса орқали ҳал қилса, фарзанд ҳам шу усулни ўрганади.

Давоми 6-саҳифада.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



“Mahalla” — фикр берадиган, тажриба улашадиган ҳамроҳ”



Ихтибор МЕНГЛИЕВА,
Ангрен шаҳридаги “Майдон” маҳалласи раиси:

— Кимки ўқиб, изланишдан тўхтамаса, муваффақият сари одимлайверади. Мен ҳам билим ва тажрибамни бойитиб бориш учун турли адабиётлар билан бирга, **“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgusi” журналини мунтазам ўқиб бораман.** Шунинг учун ҳар йили обуна бошланиши биланоқ, икки нашрга биринчилар қаторида обуна бўлишни одат қилганман. Чунки бу нашрларда ишимизда асқатадиган тажриба, маслаҳат ва ҳаётий мисоллар бор.

Ҳар бир сонини ўқиб, бошқа маҳалла раисларининг қандай ишлаётгани, муаммога қандай ёндашиб, натижага қандай эришаётганини кузатаман. Маъқул келган тажрибаларни “еттилик” аъзолари билан ўртоқлашаман, имкони бўлса, ўз маҳалламизда ҳам қўллаб кўрамиз. Ахир, бир маҳаллада яхши натижа берган иш бошқа маҳаллада ҳам қўл келиши мумкин. Шу маънода, **“Mahalla” мен учун оддий нашр эмас, ҳар кунги фаолиятимда фикр берадиган, тажриба улашадиган ҳамроҳ**, десам муболаға бўлмайди.



“ЎТГАН КУНЛАР” — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАНЗАРАСИ

7


“ТАНТИ”ЛИК ҲАР БИР ВАТАНДОШИМИЗНИНГ ҚОНИДА БОР

8





Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этган “БИЗ — КИТОБХОН ОИЛАМИЗ!” танловининг маҳалла босқичида 71 минг 936 та оила қатнашди.



Самарқандда “ЯШИЛ ВА ЁРУҒ МАҲАЛЛА” ЛОЙИҲАСИ доирасида 388 та маҳаллада боғ ташкил этилади, 169 та маҳаллада тунги чироқлар ўрнатилади.



Қорақалпоғистон маҳаллаларидаги ОБОД ҚИЛИНГАН КЎЧАЛАРГА ВИЛОЯТЛАР НОМИНИ БЕРИШ таклиф қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

КУН НАФАСИ

“ЯШИЛ МАКОН”НИНГ ЯНГИ ФАЛСАФАСИ:

ЯШИЛЛИКНИНГ МАНЗИЛИ ҲАМ, МЕЗОНИ ҲАМ — МАҲАЛЛАДА!

Жамшид НАЗАРБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ “ЯШИЛ ХАРИТАСИ” БЎЛАДИ

Тақдимотда аввалги йилларда экилган кўчатларни сақлаб қолиш, уларни суғориш ва парваришлашни тизимли ташкил этишда қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Ўтган йил баҳорида экилган кўчатларнинг маълум қисми қуриб қолгани ҳам бу масалага бошқача ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Ҳудуд иқлими ва тупрогига мос келмайдиган дарахтларни танлаш, сув таъминоти етарли бўлмаган жойларга кўчат экиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши профилактик чораларнинг сустлиги — натижанинг нима учун кутилганидек бўлмаётганини кўрсатувчи омиллардир.

Демак, энди кўчат экишнинг ўзига натижа сифатида қаралмайди. **Самарадорлик экилган дарахтнинг бир, уч ва беш йилдан кейинги ҳолати билан баҳоланади.** Бу эса жараёнга муносабатни тубдан ўзгартиради: ерни тайёрлашдан тортиб, кўчат танлаш, экиш муддатини белгилаш, суғориш тизимини яратиш ва камида уч йил парваришлашгача бўлган жараёнлар ягона тизим сифатида қаралади.

Бу ёндашувнинг энг муҳим жиҳати — **ҳар бир ҳудуд учун бир хил қолипдан воз кечиш.** Қайсидир дарахт бир ҳудудда яхши ўсиши, бошқа жойда эса сув танқислиги, тупроқ ёки иқлим шароити туфайли яшаб кетмаслиги мумкин. Шунинг учун экиш муддатларини ҳудуднинг об-ҳаво шароити ва илмий хулосалар асосида белгилаш, маҳаллий шароитга мос, иссиқлик, совуқ ва сув танқислигига чидамли дарахт турларини танлаш устувор вазифага айланади.

Бу жараёнда маҳалланинг роли ҳам ўзгаради. Энди маҳалла кўчатнинг кейинги тақдирини кузатиб борадиган маконга айланиши керак. Шу мақсадда **ҳар бир маҳалла кесимида кўчат тури, экиладиган жой ва суғориш тизими акс этган “яшил харита” ишлаб чиқилиб**, аҳолига эълон қилинади. **Маҳалла раиси билан биргаликда** ҳар бир кўчадаги дарахт ва кўчатларнинг ҳолатини мунтазам кузатиш, қуриш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш тизими йўлга қўйилади.

Аслида, “яшил харита”нинг аҳамияти ҳам шунда: у кўчат экишни умумий рақамдан аниқ манзилга кўчиради. Қайси кўчада қандай дарахт бор, унинг суви қаердан келади, қандай парвариш талаб этилади — буларнинг барчаси аниқ бўлса, масъулият ҳам мавҳум қолмайди. Яшил ҳудудни кўпайтиришдан кўра, мавжуд ва янги дарахтларнинг яшаб қолишини таъминлаш муҳим мезонга айланади.

Дарахт экиш жойини танлашда ҳам шу мантиқий ёндашув устувор бўлади. Аҳоли гавжум жойлар, пиёдалар йўлаклари ва туну кун ҳаракатланадиган кўчаларда соя берувчи дарахтларни кўпайтириш — кўкаламзорлаштиришнинг инсон ҳаётига бевосита таъсирини оширади.

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ЯШИЛ РЕЙТИНГИ” ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Кўчатнинг экилишидан кейинги тақдири кимнингдир шахсий ташаббусига боғлиқ бўлиб қолса, “Яшил макон”дан кутилган натижага эришиш қийин. Шунинг учун янги ёндашувларда маҳаллага нафақат вазифа, балки уни бажариш учун зарур хизмат ва воситаларни бир тизимда тақдим этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Яшил маҳаллам” дастури ҳам, аввало, шу эҳтиёждан келиб чиқади.

Маҳалла буюртмаси асосида сифатли кўчат, органик ўғит, сув тежовчи суғориш воситалари етказиб берилиши, дарахтларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш хизматларининг йўлга қўйилиши кўкаламзорлаштиришни бир марталик тадбирдан доимий хизматга айлантиради.



Ҳар бир маҳаллага ўрмончи-мураббий бириктирилиши эса бу тизимнинг амалий жиҳатини кучайтиради. Чунки дарахт парвариши ҳам муайян билим ва тажрибани талаб қилади. Ўрмончи-мураббийлар аҳолига кўчат экиш, суғориш ва парваришлашни ўргатади, уйлар, мактаб ва боғчалар оралиғида кичик дарахтзорлар ҳамда жамоат боғларини барпо этишда ташаббус кўрсатади. Бу ишларга маҳалла фаоллари ва ёшлардан иборат кўнгиллилар ҳаракатлари кенг жалб қилинади.

Маҳаллаларнинг “яшил рейтинги” жорий этилади. Бунда яшил майдонлар улуши, аҳоли сонига нисбатан дарахтлар сони, янги кўчатларнинг тутиб кетиши ва аҳолининг иштироки асосий мезонлар бўлади. Юқори натижага эришган маҳаллаларни ободонлаштириш учун қўшимча маблағлар ва “яшил” лойиҳаларга мақсадли микрогрантлар ажратиш орқали рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилади. Яъни экологик масъулиятга фақат вазифа сифатида эмас, маҳалланинг ўз ҳудудини ривожлантириш имконияти сифатида ҳам қаралади.

Ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда “3-30-300” тамойилига асосланган дастурлар амалга оширилади. Бунда ҳар бир инсон яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойидан камида учта дарахтни кўра олиши, аҳоли яшаш ҳудудининг камида 30 фоизи дарахтлар сояси билан қопланиши, уйидан 300 метр масофада яшил дам олиш ҳудуди бўлиши кўзда тутилади.

КЎЗ БИЛАН БАҲОЛАШДАН МАЪЛУМОТ АСОСИДА БОШҚАРИШГА ЎТИЛАДИ

Иқлим ўзгараётган, сув ресурсларига босим ортиб бораётган шароитда қайси дарахтни қаерга экиш, уни қандай парваришлаш ва қанча ресурс сарфлаш масалалари илмий ёндашувни талаб қилади. Шу маънода, “Яшил макон”нинг кейинги босқичида илм-фан ва замонавий технологияларга таяниш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳудудларга мос соғлом кўчатларни кўпайтириш учун **“ин-витро” лабораториялари ва замонавий кўчатхоналар** ташкил этилади. Сувни кўп талаб қиладиган манзарали газонлар босқичма-босқич қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар билан алмаштирилади. Бу ёндашув маҳаллада ҳам ўз аксини топади. Сув танқис ҳудудда сувни кўп талаб қиладиган ўсимликни экиб, кейин уни сақлаб қолиш учун яна қўшимча ресурс сарфлашдан кўра, бошиданоқ шароитга мос турни танлаш самарали.

Яна бир муҳим қадам — **“Yashil AI” модулини тажриба тариқасида жорий этиш.** Сунъий интеллект ёрдамида тупроқ, иқлим ва сув таъминоти таҳлил қилиниб, кўчат экиш учун мақбул майдонлар ва дарахт турлари бўйича тавсиялар шакллантирилади. Кўчатларнинг қуриши, сув танқислиги, касаллик ва зараркунандалар хавфини эрта аниқлаш, масъулларни огоҳлантириш ҳамда натижаларни ягона харитада очиқ кузатиш имконияти яратилади.

Агар бу тизим маҳалла даражасида самарали ишласа, “Яшил макон”нинг рақамли харитаси оддий маълумотлар базаси бўлиб қолмайди. Унда ҳар бир яшил ҳудуднинг ҳолати, дарахт тури, парвариш эҳтиёжи ва муаммоли нуқталари ҳақида маълумот шаклланиб боради. Бу эса маҳаллада яшил ҳудудни бошқаришни кўз билан баҳолашдан маълумот асосида бошқаришга ўтиш имконини беради.

ОДАМЛАРДА ДАРАХТНИ ЯШАТИШ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛТИРИЛАДИ

*“Яшил макон”нинг маҳалладаги ҳақиқий натижаси одамларнинг дарахтга муносабати билан белгиланади. Зеро, энг замонавий технология, энг сифатли кўчат ва энг мукаммал суғориш тизими ҳам уни асрайдиган, вақтида суғорадиган ва ҳолатини кузатадиган инсон бўлмаса, кутилган натижани бермайди. Шунинг учун **маҳаллаларда дарахт экиш ва парваришлаш маданиятини юксалтириш** ҳам асосий вазифалардан бирига айланиши керак.*

Бу маданият, аввало, дарахтни мавсумий тадбирнинг бир қисми эмас, маҳалланинг доимий бойлиги сифатида қабул қилишдан бошланади. Кўчат экиш кунида унинг атрофида тўпланиш осон, аммо кейинги ойларда сувини бериш, тупроғини юмшатиш, зараркунандадан ҳимоя қилиш, қуриш белгиларини вақтида аниқлаш ва уни асраб қолиш — ҳақиқий муносабатни белгилайди. Шу маънода, дарахт экиш маданиятидан ҳам муҳимроғи — **дарахтни яшатиш маданияти**дир.

Аслида, “яшил” маҳалла бир кунда барпо этилмайди. У йиллар давомида экилган дарахтлар, уларни асраган одамлар ва шаклланган масъулиятли муносабат орқали пайдо бўлади. Шу боис бугун экилаётган ҳар бир кўчатнинг келажаги ҳақида ўйлаш — эртанги маҳалланинг қиёфаси ҳақида ўйлашдир. “Яшил макон”нинг энг катта самараси ҳам шунда намоён бўлади: маҳаллада дарахтлар кўпайиши билан бирга, уларни асрайдиган инсонлар, парваришлаш кўникмаси ва яшил муҳитга масъулият ҳисси ҳам ошса, лойиҳа ўзининг энг муҳим мақсадига эришган бўлади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ДАРОМАД ТАЙЁР КЕЛМАЙДИ, ИМКОНИЯТДАН ЯРАТИЛАДИ

Менинг қатъий позициям шуки, маҳалла иқтисодиёти тайёр иш ўринларини кутиш билан чекланмаслиги керак. Ҳар бир хонадоннинг ўз имконияти бор. Кимдадир томорқа, кимдадир ҳунар, кимдадир ишлаб чиқариш учун бўш бино, яна кимдадир тадбиркорлик қобилияти бор. Вазифамиз ана шу имкониятларни аниқлаб, уларни даромад манбаига айлантиришдан иборат.



А. ИБРАГИМОВ,
Нурота туманидаги Ибн Сино номидаги маҳалла раиси.

Маҳаллада ташкил этилган иссиқхоналар бу борада яхши тажриба бермоқда. Аҳмад Остонов хонадонида лимон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётгани томорқанинг оддий ер майдонидан тўғри ёндашув билан барқарор даромад манбаига айланиши мумкинлигини кўрсатяпти. Мен бундай тажрибани маҳаллада кенгайтириш тарафдориман. Шу боис маҳаллада “хонадонбай” ишлашни янада кучайтиришни вазифа сифатида белгилаганмиз.

Тадбиркор Даминжон Зинниевнинг пластик маҳсулотлар ишлаб чиқариши ҳам маҳаллада бу салоҳият шаклланаётганидан далолат беради. Зовқиддин Қобиловнинг “бройлер” товуқ етиштириш тажрибаси эса аҳоли эҳтиёжини маҳалланинг ўзидаги имкониятлар асосида таъминлашга хизмат қилаётир. Менингча, бундай тадбиркорларнинг тажрибасини алоҳида-алоҳида фаолият сифатида қолдирмай, ўзаро ҳамкорлик тизимига киритиш вақти келди.

Маҳаллада қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 10 га яқин цех фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамнинг ўзи ҳудудда ишлаб чиқариш муҳити шаклланганини кўрсатади. Энди асосий эътиборни ушбу корхоналарнинг барқарорлигига қаратиш лозим. Хомашё таъминоти, маҳсулот сифати, янги буюртмалар, малакали ишчи кучи ва сотув бозори масалалари ҳар бир цех кесимида ўрганилиши керак.

Мен маҳалла раиси сифатида тадбиркорнинг муаммосини унинг ўзига ташлаб қўйишни самарали ёндашув, деб ҳисобламайман. Қайси ишлаб чиқариш субъектида қандай муаммо борлиги аниқ бўлса, уни ҳал этиш йўли ҳам аниқ бўлади. Шунинг учун тадбиркорлар билан мунтазам мулоқот қилиш, уларнинг таклиф ва муаммоларини жойида ўрганишни иш услубимизнинг муҳим қисми сифатида белгилаганмиз.

Маҳалладаги иқтисодий салоҳиятни оширишда кооперацияга алоҳида аҳамият бераман. Иссиқхонада етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, паррандачиликни ем-хашак таъминоти билан боғлаш, пластик маҳсулот ишлаб чиқаришни қурилиш цехлари эҳтиёжига йўналтириш каби алоқалар янги қиймат занжирини яратади. Маҳаллада пулнинг айланиши қанча кўпайса, янги даромад манбалари шунча ортади.

Инфратузилма масаласи ҳам шу жараённинг таркибий қисми. Туман тиббиёт бирлашмаси, марказий дорихона ва туман санитария-эпидемиология бўлими жойлашган кўчаларнинг тўлиқ асфальтланиб, фойдаланишга топширилиши аҳоли учун қулайлик яратди. Мен бу ишни фақат ободонлаштириш тадбири сифатида эмас, ҳудуд иқтисодий фаоллигини оширадиган омил сифатида баҳолайман.

Менинг иш услубимда яна бир тамойил бор: ҳар бир муаммонинг эгаси ва ечими аниқ бўлиши керак. Маҳаллада ишсиз фуқаро борми — унинг касби, қизиқиши ва шароитини ўрганиш керак. Тадбиркорнинг иши тўхтаб қолдими — сабабини аниқлаш лозим. Томорқадан фойдаланиш имконияти борми — ундан даромад олиш тизимини кўрсатиш зарур. Бўш турган бино борми — уни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектига айлантиришни кўриб чиқиш даркор.

Мен учун маҳалла раиси сифатида энг керакли жиҳат — йигинда яна бир корхона пайдо бўлгани ҳақида ҳисобот бериш эмас. Энг муҳим натижа — яна бир оилада барқарор даромад манбаи пайдо бўлиши, яна бир инсон меҳнати орқали ўз оиласини таъминлаши ва яна бир хонадон ўз имкониятига ишонч билан қараши. Ана шу натижа Ибн Сино номидаги маҳалланинг ҳақиқий тараққиётини белгилайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

БУНЁДКОРЛИК

Юнусобод туманидаги “Биллур” маҳалласида “Обод маҳалла” дастури доирасидаги ишлар якунланди. Эндиликда маҳалла кўчаларида янги йўлаклар, ёритиш устунлари, болалар ва спорт майдонлари, дам олиш масканлари аҳоли хизматида.

“Биллур”да ҳар қадамда бир янгилик бор...

Дастур доирасида 1 400 квадрат метр ички йўл асфальтланиб, 2 130 квадрат метр пиёдалар йўлаги таъмирланди. Кечки вақтда ҳудуднинг ёритилиши учун 44 та замонавий чироқ устуни ўрнатилди.

Маҳаллада бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун 4 та болалар ўйингоҳи, универсал футбол майдони ва воркаут майдончаси барпо этилди. Амфитеатр, фаввора ва 7 та шийпонча эса аҳоли учун янги дам олиш нуқталарини яратди. Кекса авлод вакиллари учун “Нуронийлар маскани” ташкил этилди. Ҳудудга 61 тадан ўриндиқ ва чиқинди қутиси ўрнатилди.

Ўзгаришлар фақат ободонлаштириш билан чекланмади. Кўп қаватли уйлар фасадлари тўлиқ бўялиб, ҳудуднинг ташқи қиёфаси янгиланди. “Яшил макон” тамойили асосида яшил ҳудудлар барпо қилиниб, уларни парваришлаш учун автоматлаштирилган суғориш тизими ишга туширилди. Янги артезиан қудуғи қурилиб, 180 туп манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилди.



Маҳалла раиси таъкидлаганидек, бу ердаги ишлардан асосий кутилган натижа — объектлар сони эмас, уларнинг ҳар куни одамлар ҳаётида ишлаши.

*— Биз учун ҳар бир қурилган иншоотнинг аҳоли ҳаётига қанчалик кириб бориши муҳим, **— дейди маҳалла раиси Аҳатилла Раҳматов.** — Болалар ўйингоҳидан болалар, спорт майдонларидан ёшлар, “Нуронийлар маскани”дан кексалар фойдаланади. Янги йўлак ва ёритиш тизими эса маҳаллада кундалик ҳаракатни енгиллаштиради. Шу маънода, бугун топширилаётган объектлар маҳалламизнинг эртанги ҳаёти учун яратилган қулайликлардир.*

“Биллур”даги янгиланишлар шу тариқа қоғоздаги кўрсаткичлардан маҳалла ҳаётининг аниқ нуқталарига кўчди: йўл, ёритиш, кўкаламзорлаштириш, спорт ва дам олиш учун шароитлар энди аҳоли ихтиёрида.

МАНЗАРА

Қоракўл туманидаги “Жиғачи” маҳалласида 0,9 гектар майдонда замонавий микромарказ қад ростлаяпти.

БИР МАСКАНДА — ХИЗМАТ, ИШ ЎРНИ ВА ФАРОВОНЛИК

Умумий қиймати 6,5 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини мутлақо ўзгартиради. Микромарказ таркибида 10 та замонавий савдо шохобчаси, 2 та маиший хизмат кўрсатиш маскани, 2 та умумий овқатланиш шохобчаси, сунъий қопламали мини футбол майдони, воркаут майдончаси, болалар ўйингоҳлари, 40 ўринли автотураргоҳ, тиббиёт пункти, кутубхона, пиёдалар йўлаклари, замонавий тунги ёритиш тизими ҳамда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.



Лойиҳанинг иқтисодий самараси ҳам салмоқли. У фойдаланишга топширилгач, 60 та янги доимий иш ўрни яратилади, йилига 4,8 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилади ва маҳаллий бюджетга ҳар йили 450 миллион сўм қўшимча тушум таъминланади.

Лойиҳани 2026 йил декабрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шубҳасиз, бу маскан нафақат “Жиғачи” маҳалласи, балки бутун Қоракўл тумани учун янги тараққиёт рамзига айланади.



ЗАНГИОТА ТУМАНИ “ҚАҲРАМОН” МАҲАЛЛАСИДА яшовчи 15 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.



БУХОРО ШАҲРИДАГИ “ҲАВЗИ-НАВ” МАҲАЛЛАСИДА яшовчи Нодира Юсупова миграциядан қайтгач, 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликни бошлади.



БАҒДОД ТУМАНИДАГИ “ЧЎРИНДИ” МАҲАЛЛАСИДА янги “драйвер” — куркачилик асосида 65 та хонадон даромад топмоқда.

Mahalla №77 2026 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Ёшлар етакчиси ўзи ҳам изланишда бўлмаса, бошқалардан ривожланишни талаб қилиши қийин

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Азалдан чустликлар рўзғор баракасини, аввало, томорқа билан боғлашган. Ерга меҳр бериб, меҳр топганлар. Жумладан, маҳалламизда томорқа шунчаки рўзғор тебратиш воситаси эмас, балки миллионлаб даромад келтирадиган, оилаларни тадбиркорга айлантираётган катта иқтисодий кучдир.

“РИЗҚ ҚИДИРИБ УЗОҚЛАРГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС...”



НАМАНГАН

Шаҳзод НОРМИРЗАЕВ, Чуст туманидаги “Кўктош” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Ердан фойдаланиш маданияти ҳақида гап кетганда, Иззатой Топилдиеванинг тажрибаси кўпчиликка ўрнак бўлади. Оила 10 сотих томорқасида кўчатчилик, сабзавотчилик, гулчилик ва узумчиликни йўлга қўйган.

Етиштирилган кўчатларни сотиш учун бозорма-бозор юришга ҳожат йўқ. Сифат ўз сўзини айтган — мижозлар маҳсулотни уйнинг ўзидан олиб кетишади. Хонадон эгалари 100 миллион сўм имтиёзли кредитни мақсадли ишлатди.

Кўчатчиликдан ташқари, чорвачилик ҳам ривожлантирилиб, қорамоллар сони 30 тага етказилди. Натижа кишини ҳайратга солади. Бутун оила аъзоларининг бандлиги ўз уйида таъминланган ҳолда, йиллик даромад 400 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Баҳодир Қобилов, Муниса Нормирзаева ҳам хонадонида кўчатчилик ва чорвачиликни йўлга қўйиб, томорқасидан унумли фойдаланмоқда. Бу каби хонадонлар тажрибаси — томорқа имкониятларидан оқилона фойдаланиш, оилавий даромадни кўпайтириш ва фаровон турмушни таъминлашнинг ёрқин намунасидир.

Рақамларга разм солсак, ҳудуднинг иқтисодий ўсиш манзараси намоён бўлади. Жами 650 та хонадоннинг 100 фоизи меҳнат билан банд. 300 та хонадон соф деҳқончилик билан, 350 таси чорвачилик ва деҳқончиликни уйғунлаштирган ҳолда кун кечиради.

Бу нимани англатади? “Кўктош”да бўш турган, қаровсиз қолган бир қарич ҳам ер йўқ. Одамларда “ер мени боқади, мен ерни асрайман”, деган соғлом тафаккур шаклланган. Хонадонлардан ташқари, маҳалла ҳудудида 33 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Бу кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталари, демакдир.

Энг қувонарлиси, “маҳаллабай” ишлаш тизими натижасида жорий йилнинг ўзида 200 нафар талабгорнинг бандлиги таъминланди. Шунча оила доимий даромад манбаига эга бўлди, хорижга иш излаб кетиш ташвишидан қутулди.

Айримлар ишсизликдан, шароит йўқлигидан нолийди. Аммо маҳалладошларимиз тажрибаси мисолида кўриниб турибдики, гап ернинг ҳажмида эмас, унга бўлган муносабатда. Гектарлаб ери бўлиб, ундан барака топа олмаётганлар 10 сотих ердан 400 миллион сўм ундираётган уста меҳнаткашдан ибрат олса арзийди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир хонадон ерга хазина деб қараса, камбағаллик ҳам, ишсизлик ҳам қолмайди. Зеро, ризқ қидириб узоққа бориш шарт эмас, у оёғимиз остидаги мана шу муқаддас тупроқда яширинган.




Мақолаларнини “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ТАЖРИБА

“ИЗЛАНИШНИ ОДАТГА, НАТИЖАНИ МАҚСАДГА АЙЛАНТИРДИК”

Узоқ йиллар давомида камбағалликка қарши кураш фақат моддий ёрдам кўрсатиш, нафақа тўлаш ёки имтиёзли кредит ажратиш билан чекланиб қолди. Тан олиш керак, бундай ёндашув вақтинчалик самара берса-да, муаммони илдизи билан ҳал этмасди. Боиси, боқимандалик кайфиятини уйғотадиган бир марталик кўмак — оиланинг иқтисодий жиҳатдан қарамлигини оширади.

Анвар ФАРМОНОВ, Гулистон туманидаги “Тажрибакор” маҳалласи раиси.



Бугунги давр талаби — инсоннинг ички салоҳиятини рўёбга чиқариш, уни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад манбаини яратишга қаратилиши зарур.

Бу борада Гулистон туманидаги “Тажрибакор” маҳалласида эътиборга лойиқ тажриба шаклланди. Масъуллар муаммони иш столида ўтириб ёки масофадан туриб эмас, бевосита ҳар бир хонадонга кирган ҳолда ўрганмоқда. Хатлов натижасида кўмакка муҳтож 146 та оила рўйхатга олинган бўлса, улар ижтимоий ҳолатига кўра, тоифаларга ажратилди. Жумладан, 33 таси давлат таъминоти (ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнатга лаёқати бўлмаган шахслар)даги, 25 таси камбағаллик чегарасидаги, 88 таси эса камбағал оилалар ҳисобланади.

Ушбу рақамлар ортида турфа тақдирлар, турлича эҳтиёж ва имкониятга эга бўлган инсонлар турибди. Демак, барчасига бир хил андоза билан ёндашиб бўлмайди. Шу асосида “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Эҳтиёжига кўра, кимгадир иш ўрни таклиф этдик, бошқа бир фуқаро замон талабига мос касб-ҳунарга ўқитилди. Яна бир оила тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун молиявий дастак ёки ўзининг мавжуд томорқасидан унумли фойдаланиши учун амалий кўмак ҳамда маслаҳат олди. Бу жараён индивидуал режа асосида амалга оширилди.

Ҳоким ёрдамчиси Шокир Абдумўминовнинг таъкидлашича, бугунги кунда аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларига катта урғу берилмоқда. Муҳими, камбағалликни қисқартиришда қанча оилага моддий ёрдам берилгани ёки қанча маблағ сарфлангани эмас, шу кўрсатилган ёрдам эвазига қанча хонадонда барқарор даромад манбаи яратилгани бош мезон этиб белгиланмоқда.

“Икки фарзандимга ҳам чегирма қўлланадими?”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Рухсора АЛИМБЕКОВА. Навоий вилояти:

— Мен олий тоифали ўқитувчиман, икки фарзандим олийгоҳда таҳсил олади: бири хусусий, иккинчиси давлат олий таълим муассасасида. Шартнома тўловларини амалга ошириш арафасидамиз, шу ҳолатда 30 фоизлик чегирма ҳар икки фарзандимга ҳам тўлиқ қўлланадими?

Шоира ҚОБИЛОВА, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Ҳукуматнинг 2026 йил 17 сентябрдаги қарори билан “Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ва таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш ва эҳтиёжманд оила фарзандларини замонавий касбларга ўқитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Унга кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, давлат олийгоҳларининг бакалавриат босқичида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган педагогларнинг фарзандларига ушбу чегирма қўлланади. Шунинг учун сизнинг давлат олий таълим ташкилотида ўқиётган фарзандингиз учун 30 фоизлик чегирма берилади, хусусий олийгоҳда таҳсил олаётган фарзандингизга эса бу имтиёз татбиқ этилмайди.

Мазкур талабларга жавоб берадиган фарзандингиз учун эса тўлов-шартномасини олиш мақсадида “kontrakt.edu.uz” тизими орқали ариза юборишингиз мумкин. Ушбу чегирма ўқув йили учун бир маротаба қўлланилади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Бир хонадондан бошланган ташаббус 50 та оиланинг дардига дармон бўлди



АНДИЖОН

...Эрта баҳор, аммо совуқ кунлар ҳали аримаган эди. Қўлимизда озиқ-овқат солинган халталар, ёнимизда бир гуруҳ фаол ёшлар билан маҳалламизнинг четроқ кўчаларидан биридаги ҳовлига қараб йўл олдик. Бу оддийгина ёрдам етказиш эмас, ёшларнинг қалбида бир-бирига бефарқ бўлмаслик, қўлидан келганча яхшилик қилиш туйғусини уйғотиш истаги эди. Ўша кундаги кичик қадам кейинчалик “Савоб” номли кўнгиллилар лойиҳасига айланди.

Шоирахон МЎМИНОВА, Улуғнор туманидаги Бобур номидаги маҳалла ёшлар етакчиси.

Ёшларни бирлаштирадиган энг кучли воситалардан бири эса спорт бўлди. Маҳалламизда мини футбол ва стол тенниси бўйича жамоалар шакллантирилиб, “Беш ташаббус олимпиадаси”да туман босқичида 1-ўринларни эгалладик. Кураш, шашка, шахмат, воркаут ва енгил атлетика йўналишларида ҳам совринли ўринларга эришдик. Машғулотга келган ёшларнинг ўзига бўлган ишончи ортиши, тенгдошлари билан бир мақсад сари ҳаракат қилиши ҳам катта ютуқ.



Ёшлар етакчиси ўзи ҳам изланишда бўлмаса, бошқалардан ривожланишни талаб қилиши қийин. Шу сабаб мен ҳам ўз устимда ишлашга ҳаракат қиламан. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида инглиз тили, рус тили ва турк тили йўналишларида сертификатлар олдим. Буни шунчаки шахсий натижа сифатида эмас, ёшларимизга “ўрганиш учун ҳеч қачон кеч эмас” деган амалий намуна бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Бугун маҳалламиздан 25 нафар ёш хорижда меҳнат қилмоқда. Уларнинг узоқда эканини баҳона қилиб, алоқани узиб қўймасликка ҳаракат қиламиз. Мулоқотларимиз натижасида жорий йилда икки нафар ёш Ватанга қайтиб, фермер хўжаликларига ишга жойлашди.

Мен учун ёшлар билан ишлашнинг энг қувонарли жиҳати — бирор ёшнинг ўз имкониятига ишона бошлаганини кўриш. Сетора Бобораҳимованинг йўли бунга яхши мисол. У фаолиятини 15 миллион сўмлик кредит ҳисобига уйида ширинлик тайёрлашдан бошлади. Кераклари жиҳозларни олди, буюртмалар қабул қила бошлади. Кейинчалик яна 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини кенгайтирди ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлади. Бугун у нафақат ўзини иш билан таъминлаган, балки яна 3 та иш ўрни яратиб, шогирдлар тайёрламоқда.

Катта натижа ҳар доим катта имкониятдан бошланмайди. Баъзан унинг бошланиши кичик бир жасоратни талаб қилади. Бизнинг вазифамиз эса ёшларга тайёр йўлни кўрсатиб қўйиш эмас, ўша йўлни ўзи топиб, дадил юриши учун ёнида туришдир. Мен ёшлар етакчиси сифатидаги фаолиятимда айнан шу ишончни асрашга ҳаракат қиламан.

ИННОВАЦИЯ

МИРЗОБЕК ТАЙЁР ИШНИ ЭМАС, ЯНГИ ЙЎЛНИ ТАНЛАДИ

Яшнабод туманидаги “Ҳилол” маҳалласида истиқомат қилувчи Мирзобек Маликов бир неча йил Жанубий Кореяда яшаб, аэрокосмик муҳандислик бўйича магистратурани тугатди. Шундан сўнг “Koreya Silicon Valley”даги дрон компаниясида тадқиқотчи сифатида барқарор ва яхши ҳақ тўланадиган ишда фаолият юритди.



Кўпчилик учун бу орзудаги ҳаёт бўларди. Лекин уни бир фикр тинч қўймасди: нега Ўзбекистонда дрон соҳаси ривожланмаслиги керак? Шу савол уни қатъий қарорга олиб келди — у ишини тарк этиб, оиласи билан Тошкентга қайтди. Мақсад аниқ эди: Ўзбекистонда дрон таълими йўналишини яратиш ва ёшларга амалий кўникмалар бериш.

Тошкентга қайтгач, Мирзобек ўзи битирган Турин политехника университетида профессор сифатида дарс бера бошлади. Шу билан бирга, ўз стартапи — “Drone EduTrain”ни ривожлантиришга киришди. Лойиҳа “TechCombinator” акселерацион дастурига қабул қилинди. Жамоа маҳсулотни такомиллаштириш ва бозорга чиқишга тайёргарлик кўриш устида ишлади. Акселерацион дастурнинг якуний “Demo Day” кунида Мирзобек ўз лойиҳасини тақдим этди. Натижа эса барча таваккалчиликларини оқлади: “Yoshlar Ventures” жамғармаси ва университет биргаликда жами 40 минг доллар инвестиция киритди. Мирзобек учун бу — йиллар давомида олган таълими, қилган меҳнати, келажакка ва ривожланишга бўлган ишончининг муносиб мукофоти эди.

Бугун “Drone EduTrain” мактаб ва таълим муассасалари учун дрон муҳандислиги, дастурлаш ва STEM таълимини бирлаштирган амалий ўқув ечимини яратмоқда. Лойиҳанинг марказида махсус “10+1” ўқув мажмуаси турибди. Ўқувчилар дронни шунчаки учириб қўйиш ўрнига, уни ўзлари йиғадилар, дастурлайдилар ва бошқаришни амалиётда ўрганадилар.



Марғилон шаҳридаги туризм мажмуасида еттинчи халқаро анъанавий тўқимачилик — “АТЛАС БАЙРАМИ” ФЕСТИВАЛИ бўлиб ўтди.



Юқори натижаларга эришаётган 33 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ Туркиядаги нуфузли муассасаларда 15 кун давомида малака оширади.



Самарқанд вилоятида ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ жараёнида “Барнаҳус” модели ёндашувларини қўллашга бағишланган тренинг якунланди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

МУАММОНИ ЎРГАНИШ БОШЛАНИШИ ХОЛОС, ЭНГ МУҲИМИ, ЕЧИМГАЧА ЕТИБ БОРИШ

Баъзи эшиклардан оддий меҳмон сифатида эмас, балки инсоннинг дардини англаш, кўнглидаги айтилмаган гапларига қулоқ тутиш ва имкони борича ташвишларига ечим топиш учун қадам босасиз.



Лайло КАРИМОВА,
Пешку туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламиздаги хонадонлардан бирига борганимда, мен ҳам бир оиланинг ҳаёти билан яқиндан танишиш масъулиятини ҳис қилдим. Бу ерда I гуруҳ ногиронлиги бўлган Барчиной Авезова вояга етмаган қизи билан яшайди.

Уйдаги шароит, онанинг соғлиғи, фарзандининг таълими ва кундалик турмушдаги ҳолатни ўрганар эканман, баъзи ҳақиқатларни ич-ичимдан англаб етдим: **кишига мадад беришдан олдин унинг кечинмаларини юракдан англай билиш жуда муҳим.**

Барчиной опанинг ҳал этилиши зарур бўлган талайгина масалалари бор эди. Уларни босқичма-босқич кўриб чиқиб, ҳар бири учун амалий чораларни белгиладик. Аввало, аёлнинг соғлиғи ва кундалик ҳаётида қўшимча парваришга эҳтиёжи инобатга олиниб, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида Тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати билан қамраб олиниши таъминланди.

Бироқ эҳтиёжлар саломатлик масаласи билангина чекланмасди. Шу сабабли турмуш шароити ва моддий имкониятлар билан боғлиқ жиҳатлар ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Хусусан, табиий газ ва электр энергияси харажатлари учун компенсация тайинланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан кийим-кечак учун маблағ ажратилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Қизига болалар нафақаси ҳамда оиланинг ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, яна бир масала эътиборимизни тортди. Бу — муносиб яшаш муҳитини яратиш зарурати эди. Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан уй-жой тўлиқ таъмирланди. **Натижада она ва қиз учун озода, қулай ва хавфсиз муҳит яратилди.**

Мен учун бу ўзгариш оддий таъмирдан кўра каттароқ маъно касб этади. Чунки инсон яшайдиган муҳит унинг кайфияти, хотиржамлиги ва келажакка бўлган ишончига ҳам таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ходим сифатида шуни яхши биламан: оилалар билан ишлашда бир хил ёндашув самара бермайди. Кимгадир тиббий хизмат зарур бўлса, бошқасига моддий мадад, яна бир хонадонга эса муносиб яшаш шароитини таъминлаш учун амалий чоралар керак бўлади. Асосийси, фуқаронинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва мавжуд имкониятларни унинг муаммосига мос равишда йўналтиришдир.

Барчиной опа ҳаётидаги ўзгариш ҳам ана шу ёндашув самараси бўлди. Масалаларнинг ичил ҳал этилиши кундалик ташвишларни енгиллаштирди. Энг муҳими, она ва қиз қалбида эртанги кунга ишонч кучайди.

Мен учун эса бу таъриф яна бир ҳақиқатни эслатди: ижтимоий ходимнинг вазифаси фақат муаммони кўришдан иборат эмас. Шу билан бирга, **унинг ортида турган инсонга муносиб шароит яратиш ва унинг ҳаётида ижобий ўзгаришга сабаб бўлиш — касбимизнинг энг катта масъулиятидир.**

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“АЁЛ МЕҲНАТИ ОДДИЙ МАҲСУЛОТНИ ГЎЗАЛЛИККА АЙЛАНТИРИШГА ҚОДИР”

Баъзан бир аёлнинг “Мен ҳам бирор касб ўргансам”, деган оддий истаги катта ўзгаришларнинг бошланиши бўлади. Унга тўғри йўл кўрсатиш, зарур шароит яратиш, ишонч билдириш эса биз, хотин-қизлар фаолининг зиммасидаги масъулиятдир.

Робия ОДНАМУРОДОВА,
Миришкор туманидаги “Наврўз” ва “Янгиариқ” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Шу боис маҳалламиздаги ҳар бир аёлнинг иқтидор қирраларини очишга ҳаракат қиламиз. Кимдир тикувчиликка қизиқади, айримлари қандолат маҳсулотлари тайёрлашга, яна бошқаси қўлидаги оддий ускуна ёрдамида санъат даражасидаги буюм яратади.

Опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилди. Субсидия асосида 4 нафари тикув машинали бўлди. Қувонарлиси, ҳар бир интилишнинг натижасини кўриб, гувоҳи бўляпмиз.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ташаббуси асосида тикувчилик, қандолатчилик ва нон маҳсулотлари тайёрлаш каби йўналишларда ўқувлар давом этмоқда. Курс якунида муносиб натижа кўрсатган қизларга ўз бизнес лойиҳасини амалга оширишда амалий кўмак берилиши режалаштирилган. Яъни, биз аёлга фақат касб эмас, **касбидан даромад олиш имкониятини** ҳам беришга интиляпмиз.

Маҳалламизда миллий гиламчилик анъаналарини қайта тиклаш борасида ҳам ишлар бошланган. Очилиши кутилаётган янги цехда келгусида 150 нафарга яқин кишининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Сожида Ёғмирова 15 йилдан буён тунукага ишлов бериб, ундан гуллар ясайди. Аёлнинг қўл меҳнати билан оддий маҳсулот гўзал безакка айланади. Эътиборлиси, турмуш ўртоғи ва ўғли ҳам шу соҳада меҳнат қилади. Шу орқали бинолар ташқи қисмига ўзга хос тарзда ишлов беришади. Улар ўз оиласидан ташқари, 10 нафардан зиёд ёшнинг бандлигини таъминлаган.

КАШҚАДАРЁ



Муҳайё Ғиёсованинг орзуси эса тикувчилик фаолиятини янада кенгайтириш. У келгусида кўрпа-ёстиқлар тикиб, сарпо учун тайёр маҳсулотлар етказиб беришни йўлга қўймоқчи. Ҳозирнинг ўзида ҳунарманд 10 нафар шогирдига амалий машғулотлар орқали касб ўргатишга киришган.

КУН МАВЗУСИ

ЭЪТИБОР — ХАВФДАН ҲИМОЯ, КЎМАК — КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Ҳужжатда боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини устувор таъминлаш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда уларга зарур кўмакни ўз вақтида етказишга қаратилган қатор меъёрлар белгиланди.



Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.

Шундан келиб чиқиб, маҳалла ижтимоий ходими ўз ишида бир қатор муҳим жиҳатларга жиддий эътибор қаратиши зарур.

Қонун билан таълим ташкилотларида болага нисбатан жисмоний зўравонлик, камситиш ёки таҳқирлаш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган болалар хавфсизлиги масаласига муносабатни янада кучайтиришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий ходим вояга етмаганнинг нафақат оиладаги, балки таълим муҳитидаги ҳолатидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Боланинг мактабга боришдан бош тортиши, ўз қобиғига ўралиб қолиши, муайян шахсдан қўрқиши ёки хулқ-атворида сезиларли ўзгариш эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Чунки айрим ҳолларда бундай белгилар ортида тазйиқ ёки зўравонлик билан боғлиқ вазиятлар яширин бўлиши мумкин. Муаммо аниқланган тақдирда, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унга зарур ёрдамни кўрсатиш чоралари кўрилади.

Ижтимоий ходимнинг муҳим вазифаларидан яна бири — ота-онаси қарамоғисиз қолган ёки шундай хавф мавжуд бўлган болаларни ўз вақтида аниқлашдир. Бундай вазиятда масалага фақат болани муассасага жойлаштириш нуқтаи назаридан ёндашишнинг ўзи кам. Аввало, унинг хавфсизлиги, тарбияси, таълими, соғлиғи ва ҳиссий эҳтиёжларини ҳисобга олиши зарур.

Оиланинг имкониятларини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш ва бола учун энг мақбул шароитни яратишда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Қонунда давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган болага алимент тўлаши лозим бўлган ота ёки онани бундай мажбуриятдан озод қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола фойдасига белгиланган алимент миқдорини камайтириш билан боғлиқ ишларга “Инсон” марказларини жалб этиш назарда тутилди.

Бу ҳолатда ижтимоий ходимнинг вазифаси алимент масаласини фақат ҳуқуқий жараён сифатида кўриш билан чекланмайди. Боланинг кундалик эҳтиёжлари, яшаш шароити ва моддий таъминотига ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Қонунда васий ёки ҳомий яшаш жойини, жумладан, бошқа давлатга кўчирмоқчи бўлганида, агар унинг қарамоғидаги бола 10 ёшга тўлган бўлса, унинг розилигини олиш талаб этилиши белгиланди. Бу меъёр болага дахлдор қарорларни қабул қилишда унинг фикрини инобатга олиш тамойилини янада мустаҳкамлайди.

Шу боис ижтимоий ходим бола билан мулоқот қилишда унинг фикри, хоҳиши ва эҳтиёжларини тинглай билиши керак. Айниқса, оилавий муносабатлар, васийлик, таълим ёки яшаш шароитига оид масалаларда вояга етмаганнинг қарашлари эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Энг муҳими, кўрилган чора қоғозда қолиб кетмаслиги, унинг натижаси кузатиб борилиши керак. Масалан, хавфли вазият аниқланганидан сўнг боланинг аҳволи яхшиландими, оиладаги муаммо бартараф этилдими, кўрсатилган хизмат ўз самарасини бердими — ижтимоий ходим шу каби саволларга жавоб излаши лозим.

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан маҳалладаги идоралараро ҳамкорликка боғлиқ. Ижтимоий ходимнинг ўзи барча муаммоларни ҳал қилиши мумкин эмас. Шу сабабли “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, таълим ва тиббиёт муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ҳамда маҳалла фаоллари билан узвий ҳамкорлик муҳим.

Бунда ҳар бир тузилманинг вазифаси аниқ белгиланиб, боланинг манфаати умумий мақсад сифатида қаралиши лозим.

Янги қонун болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга муносабатни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, маҳалла ижтимоий ходими учун энг муҳим вазифалар — **хавфни эрта сезиш, оиладаги вазиятни холис баҳолаш, боланинг фикрини эшитиш, зарур хизматларни ўз вақтида ташкил этиш ва кўрилган чораларнинг натижасини назорат қилиш**дан иборат.

Зеро, бола билан боғлиқ муаммога ўз вақтида эътибор қаратиш баъзан унинг бутун ҳаётига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олади. Маҳаллада боланинг манфаатини ҳимоя қилиш эса, аввало, унинг хавфсиз, соғлом ва муносиб муҳитда улғайиши учун шароит яратишдан бошланади.

Хотин-қизлар фаоли сифатидаги ишим фақат бандлик масалалари билан чекланмайди. Оилавий келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар, ажрашиш ёқасига келиб қолган эр-хотинлар билан ишлаш ҳам зиммамиздаги катта масъулият саналади.

Жорий йилда 10 тадан ортиқ низоли ҳолатга чек қўйдик. Бу рақамни шунчаки статистика сифатида қабул қилмайман. Чунки ҳар бир рақам ортида бир хонадон, бир неча инсон, фарзандлар тақдири ва сақлаб қолинган оила бор.

Маҳалламиз беш йилдан буён “яшил ҳудуд” сифатида шаклланиб келмоқда. Муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, имкони борича тезкор ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Аммо бу ишда яна бир муҳим масала бор.

Ҳозирда икки маҳаллага биттадан хотин-қизлар фаоли бириктирилган. Бу эса ҳар бир хонадон билан чуқур ишлашда муайян қийинчиликлар туғдиради. Менинг фикримча, ҳар бир маҳаллага алоҳида фаол бириктирилса, хотин-қизларнинг муаммосини яқиндан ўрганиш, оилавий низоларнинг олдини олиш ва мурожаатлар билан манзилли ишлаш имконияти янада кенгаяди.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ...

102 ЙИЛЛИК ҲАЁТ ВА МЕҲНАТ ЙЎЛИ

Президентимиз фармонига кўра, юз ёшдан ошган бир гуруҳ нуронийлар “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Жумладан, Қўштепа туманидаги “Халқобод” маҳалласида яшовчи 102 ёшли Ибохон ая Қосимова ана шундай шарафга муносиб кўрилди. Унинг ёшлиги оғир йилларга, уруш пайтларига тўғри келган. Фронт ортида меҳнат қилиб, ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлигини кўрсатган.

Шунингдек, у Катта Фарғона каналини қазишда, ерларни ўзлаштиришда иштирок этган. Турмушнинг кўп машаққатларини бошидан кечирган бўлса-да, 4 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, элга муносиб инсонлар қилиб камолга етказди. Пиру бадавлат онахон ҳозирда 16 нафар невараниг буваси, 36 нафар чеваранинг момоси ҳамда катта бир оиланинг меҳрибон ва ғамхўр онахони сифатида уларнинг ардоғида ҳаётга шукрона айтиб яшамоқда.

— Ҳалол меҳнатда гап кўп, ***— дейди Ибохон ая.*** *— Бошимдан кўп қийинчиликлар ўтди. Тўғри йўл тутиб, меҳнат қилдим. Оллоҳга шукр, бугун юртимиз тинч. Тан-жонларинг соғ, бошларинг омон бўлсин!*



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Орзу ва ҳунар билан ҳамоҳанг келажак

Бугун мактаб фақат билим бериладиган маскан эмас. У ёш авлоднинг келажакда ўз ўрнини топиши, ҳаётда мустақил қадам ташлаши, касб эгаллаши ва ўз меҳнати билан муносиб даромад топиши учун мустаҳкам пойдевор яратиши керак. Айниқса, қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларга замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатиш — келажакка қаратилган муҳим вазифалардан биридир.

Зариф КОМИЛОВ,
журналист.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 24-умумтаълим мактабида амалга оширилаётган “Менинг мактабим” лойиҳаси доирасидаги ташаббус ҳам ана шу эзгу мақсадларга уйғунлиги билан аҳамиятли. Таълим масканида алоҳида тикувчилик хонаси жиҳозланиб, қизларнинг амалий машғулотлар билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Энди бу хонада оддий мато бўлаги аста-секин янги либосга, оддий ғоя эса тайёр маҳсулотга айланади. Ўқувчи-қизлар тикувчилик, бичиш, ўлчов олиш, матони танлаш ва унга ишлов бериш, кийим тайёрлаш, безак ва дизайн асосларини амалиёт орқали ўрганади.

Бугун мактабда ўрганилган тикувчилик эртага касбга, касб эса оилавий даромад манбаига айланиши мумкин. Қизлар келажакда ўз буюртмаларини қабул қилиши, кичик тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиши, миллий ва замонавий либослар яратиши, ҳатто бошқаларга ҳам иш ўрни яратиши аниқ.

Айниқса, бу каби ташаббуслар ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш билан бирга, меҳнатсеварлик, масъулият, дид, сабр-тоқат ва ижодкорлик каби муҳим фазилатларни ҳам шакллантиради. Қўл меҳнати билан яратилган ҳар бир маҳсулот эса улар учун ўз қобилиятига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.



Урганч туманида маҳаллалар аҳолиси ва давлат ташкилотлари ўртасида ОЧИҚ МУЛОҚОТНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА сайёр қабул ўтказилди.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА тадбиркорлар иштирокида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.



ЭЛЕКТРОН САВДО ПЛАТФОРМАЛАРИ орқали маҳсулот сотувчи чет эл юридик шахсларига солиқ солиш тартиби белгиланди.

Mahalla

№77

2026 ЙИЛ
23 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Қонунбузарлик содир этилгандан кейин оқибати билан курашишдан кўра, барвақт олдини олган минг чандон афзал

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“Еттилик” ходимларида “бу менинг, бу сенинг вазифанг”, деган фикр йўқ”



Ҳар тонг хизмат либосимни кийиб, ишга отланар эканман, аввало, ота-онамнинг дуосини оламан. Фарзандларимнинг беғубор чеҳрасига боқиб, қалбим шодликка тўлади. Ота-она дуоси мен учун маънавий таянч бўлса, оила меҳри — туганмас куч-қувват манбаидир. Шу туйғуларни дилга жо қилиб, ишга ошиқаман.



Наврўз РАҲМАТУЛЛАЕВ, Оқдарё туманидаги “Янгиҳаёт” маҳалласи профилактика инспектори.

Беш йилдирки, профилактика инспектори бўлиб хизмат қилиб келяпман. Бу — оз муддат эмас. Орада ёшу кексани яқиндан танидим, ҳар бир оиланинг феъл-атвори, қувончу ташвиши аён бўлди. Улар мени ўз фарзандидек, ака ёки укасидек қабул қилишади, мен ҳам уларни ўзимнинг яқинимдек кўраман.

Муваффақиятимизнинг асосий калити — ҳамжиҳатликда. “Еттилик” ходимларида “бу менинг, бу сенинг вазифанг”, деган фикр йўқ. Кимнингдир хонадонида муаммо чиқса, барчамиз оёққа турамиз. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, **тўрт йилдирки, жиноятчиликдан холи — “яшил тоифа”дамиз.**

Ўтган йили муқаддам судланган фуқаро Илҳомжон (исм шартли) жамиятга мослаша олмай, анча қийналди. Ишсизлик ва моддий етишмовчилик туфайли яна жиноят йўлига кириши, атрофдагиларга зарар етказиши мумкин эди. Шунда “еттилик” билан биргаликда ҳаракат қилдик. Хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси унга субсидия асосида тикув дастгоҳи, асбоб-ускуна олиб берилишига кўмаклашди. Натижада Илҳомжон оилавий тадбиркорлигини бошлаб, оиласини ҳалол меҳнат билан боқяпти.

Қонунбузарлик содир этилгандан кейин оқибати билан курашишдан кўра, барвақт олдини олган минг чандон афзал. Шу боис, 2022 йилдан буён ҳудудда жиноятчиликни жиловлашнинг ўзига хос самарали тизимини яратдик. Йил бошида чораклик “Йўл харитаси” ишлаб чиққанмиз. Унга кўра, аҳоли гавжум масканлар, нотинч ёки низоли оилалар, муқаддам судланган фуқаролар билан манзилли ишлашни йўлга қўйганмиз. Натижада фуқароларнинг шикоят ва мурожаатлари кескин камайди. Ҳозирги кунда ҳафтасига атиги 4-5 та оилавий мурожаат келиб тушади, холос. Улар ҳам, асосан, маиший тушунмовчиликлар. Бундай пайтда фаоллар ва кексаларнинг ҳаётий тажрибасига таяниб, муаммони ҳал қилишга эришяпмиз.

Яқинда ёш оилалардан бири ажрашиш ёқасига келиб қолди. Қайнона ва келин ўртасидаги оддий маиший келишмовчилик катта низога айланиб, ёш ота-она икки фарзанди тақдирини ўйламай, алоҳида яшай бошлашган эди. “Еттилик” ва маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда хонадонга бир неча марта бордик. Самимий суҳбатлар ва бетаъма насиҳатлар ўз сўзини айтди. Бугун оила бахтдан сармаст, ўртадаги гиналар унутилди.

Ёшлар билан ишлашга алоҳида аҳамият бераман. Уларни турли ёт ғоялар ва салбий таъсирлардан асраш учун фақат тақиқ ёки назорат эмас, балки меҳр ва бандлик зарур, деб ҳисоблайман. **Ишсиз ёш — жиноятчиликка энг мойил қатлам.** Шу боис ҳар бир йигит-қизнинг тақдири эътиборимда туради.

Тартиббузарликка мойиллиги бўлган, кечалари бемақсад юрадиган бир ёш йигитимиз бор эди. У билан суҳбатлашганимда, спортга қизиқишини, лекин шароити йўқлигини айтди. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уни тумандаги спорт тўгарагига бепул жойлаштирдик. Ёшлар етакчиси орқали тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имконият яратдик. Ҳозир у маҳалладошлар фахрига айланган.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир куним маҳалла тинчлиги, оилалар осойишталиги ва аҳоли хотиржамлиги йўлидаги изланишлар билан ўтяпти. Мақсадим — тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз ишончини оқлаш.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

“СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ТАЛАБ ЭМАС, МАҲАЛЛА МАНФААТИ СИФАТИДА ТУШУНТИРДИК”

Солиқ инспектори сифатида маҳаллаларга бириктирилган илк кунларимда бир нарсани яхши ҳис қилганман: солиқ масаласида рақамлар қанчалик аниқ бўлмасин, унинг ортида одамларнинг турмуши, имконияти ва қарашлари туради. Шу сабабли маҳаллада солиқ тушумини таъминлаш фақат ҳисобланган суммани эслатиш ёки муддатни айтиш билан ҳал бўладиган иш эмас.



Шокир ЖЎРАЕВ, Шўрчи туманидаги “Саксонкапа”, “Зарбдор”, “Оққамар”, “Озод”, “Шалдироқ”, “Кўклам” маҳаллалари солиқ инспектори.

2026 йил учун мол-мулк ва ер солиқларини ундириш жараёнида маҳаллаларда ҳам ана шундай ҳолатларга дуч келдик. Айрим хонадонларда ўтган даврдан қарздорлик мавжуд, баъзиларида эса жорий йил тўловлари ҳали амалга оширилмаган эди. “15 октябргача вақт бор-ку”, деган қараш ҳам учрарди. Кимдадир тўловни кечиктиришга сабаб бор, яна кимдир солиқ тўловининг маҳалла ҳаётига қандай алоқаси борлигини аниқ тасаввур қилмасди.

Биз учун энг қийин томони ҳам шу бўлди: **одамларни шунчаки тўловга ундаш эмас, унинг муносабатини ўзгартириш керак эди.** Шундан кейин “маҳалла еттилиги” билан биргаликда хонадонма-хонадон юришни бошладик. Ҳар бир оиланинг ҳолатини алоҳида ўргандик, қарздорлик бўлса сабабини сўрадик, солиқ ҳисоб-китобларини тушунтирдик. Айниқса, фуқароларга тўланаётган маблағнинг қоғоздаги рақам бўлиб қолмаслиги, унинг маҳалла инфратузилмасига ҳам таъсири борлигини амалий мисоллар билан кўрсатишга ҳаракат қилдик. Олдинги йилларда солиқлар ҳисобидан бажарилган ишларни эслатдик. Одамлар ўз кўчасида амалга оширилган иш билан тўлаган маблағи ўртасидаги боғлиқликни кўргани сари муносабат ҳам ўзгара бошлади.

Бугун бу меҳнатнинг натижасини рақамларда кўриш мумкин. “Зарбдор” маҳалласида жорий йил учун ҳисобланган 1 миллиарддан зиёд солиқ тўловлари тўлиқ ундирилди. Ўтган йилдан қолган 16 миллион сўмлик қарздорлик ҳам бартараф этилди. Бу кўрсаткич бизга ўз-ўзидан келмади. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда олиб борилган кундалик иш, бириктирилган ҳудуддаги хонадонларни қайта-қайта кўриб чиқиш, тушунтириш ва фуқаролар билан очиқ мулоқот натижани юзага чиқарди.

Ўтган йилги тажриба ҳам бизга катта сабоқ бўлган. “Зарбдор” маҳалласи солиқ режасини тўлиқ бажарган эди. Шундан кейин аҳолининг тўлаган солиқлари натижасини маҳалланинг ўзида кўрсатиш янада муҳим бўлди. Бугун 7 та кўчанинг асфальт қилингани, 4 та кўчага ичимлик сув тармоғи тортилгани одамларнинг хотирасида бор. Маҳалла бюджетига тушадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган ишлар ҳам солиқнинг қайтиб келадиган натижасини кўрсатмоқда.

Шу боис бугун хонадонма-хонадон юрганимизда суҳбатнинг мазмуни ҳам ўзгарганини сезамиз. Аввал “қанча тўлашим керак?”, деган савол кўпроқ берилган бўлса, энди “маҳалламизга яна қандай иш қилинади?”, деган саволни эшитиш мумкин.

Менимча, солиқ маданиятининг ўсиши айнан шу жойдан бошланади. Рақамлар бажарилиши — ҳисобот учун натижа. Аммо фуқаро тўлаётган маблағининг маҳалласидаги ўзгаришларга дахлдорлигини ҳис қилса, бу аллақачон рақамдан каттароқ натижага айланади.

ТАҲЛИЛ

“ИШИМИЗ НАТИЖАСИ ОДДИЙ ИНСОНЛАР ТАҚДИРИДА АКС ЭТИШИ ЛОЗИМ!”

Тинчлик ва осойишталик баландпарвоз гаплар ёки қуруқ ҳисоботларда эмас, балки оддий инсонлар маҳалласи, кўчаси ва хонадонида ўзини қанчалик хавфсиз ҳис қилиши билан ўлчанади. Шу боис бугун жамоат хавфсизлигини таъминлашда жиноят содир этилгандан кейин чора кўришдан кўра, уни келтириб чиқарувчи омилларни олдиндан аниқлаш, бартараф этиш устувор вазифага айланди.



Раҳимжон НАИМОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи ўринбосари, полковник.

Давлат раҳбарининг соҳага оид қарор ва фармонларида ҳам айнан мана шу — **аҳолига яқин ва барвақт профилактикага асосланган ёндашув асосий мезон қилиб белгиланган.** Айниқса, “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига янгича ишлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори профилактика инспекторлари зиммасига катта масъулият юклади.

Хўш, бу йўналишда ҳудудларда қандай янгиликлар жорий этилмоқда? Ислоҳотлар ижроси оддий инсонлар тақдирида акс этяптими? Бу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ишчи гуруҳи ҳудудларнинг ҳолати, вазият билан яқиндан танишмоқда.

Сирдарё вилоятидаги ўрганишларда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам аниқлаб олинди. Айтиш керакки, бу — шунчаки текширув эмас, балки тизимни аҳолига янада яқинлаштириш, муаммоларни ичига кириш ва вилоят тажрибасини яратиш йўлидаги жиддий қадам бўлди.

Бугун маҳалла жиноятчиликка қарши курашишнинг шунчаки бир бўғини эмас, балки тинчликни таъминловчи асосий майдондир. Муаммони у ҳали катта кўнгилсизликка айланмасдан, илк белгилари намоён бўлган пайтдаёқ аниқлаш лозим. **Сирдарё туманидаги “Камолот” маҳалласи** ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги, профилактика инспекторининг хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ва индивидуал ишлаши бу борада энг самарали усул эканини ҳаётнинг ўзида исботланмоқда. Масъулларга асосий талаб қўйилди — кўпроқ **ҳуқуқбузарликлар аниқлаб, кўрсаткич қувиш эмас, балки уларнинг содир этилишига умуман йўл қўймаслик керак.**

Бугун хавфсизлик тушунчаси фақат кўчадаги тартиб билан чекланиб қолмаяпти. Рақамли технологиялар асрида жиноятчилик виртуал оламга кўчмоқда. **Янгиер шаҳридаги** “Сунъий интеллект ва кибер марказ” фаолияти, робототехника хоналари ва киберхавфсизлик бўйича янги лойиҳалар билан танишганда айнан шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Гулистон шаҳридаги “Обод юрт” маҳалласида маҳалла фаоллари ва кекса авлод вакиллари билан ҳамкорликда ишлаш самарадорлиги аниқ рақамларда кўрсатиб берилди. Дарҳақиқат, бу жараёнда нуронийларнинг ҳаётий тажрибаси ва панд-насиҳатлари жуда муҳим.

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, профилактик ишлар самарадорлигини тубдан ошириш ва аҳоли осойишталигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим — “Сирдарё тажрибаси”ни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш белгиланди.

ИМТИЁЗ

ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЛГАНДА СОЛИҚНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИН

Тадбиркор бизнесини ривожлантириш учун янги ускуна олса, ишлаб чиқаришни кенгайтирса ёки биносини реконструкция қилса, бунинг ўзи катта харажат.



Инвестиция чегирмаси эса ана шу харажатларнинг бир қисмини солиқ ҳисобида енгиллик сифатида ҳисобга олиш имконини беради. Яъни тадбиркор сармоя киритгани учун солиқ юкини камайтириши мумкин.

Масалан, корхона 100 миллион сўмлик янги ускуна сотиб олса, белгиланган шартларда унинг 20 фоизи — 20 миллион сўм инвестиция чегирмаси сифатида қабул қилинади. Бу маблағ тадбиркорнинг бизнесида қолиб, кейинчалик янги ускуна олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки иш ўринлари яратишга хизмат қилиши мумкин.

Яна бир мисол: тадбиркор ишлаб чиқариш биносини кенгайтиришга 500 миллион сўм сарфлади. 10 фоизлик чегирма қўлланса, 50 миллион сўмлик инвестиция чегирмаси берилади.

Оддий қилиб айтганда, инвестиция чегирмаси ишлаб чиқаришга киритилган маблағларнинг бир қисмини солиқ ҳисобида енгиллик сифатида амалга ошиш имконини беради. Бу эса тадбиркорликни кенгайтириш, янги ускуналар харид қилиш ва замонавий технологияларга сармоя киритишни енгиллаштиради.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

БИР ТАДБИР ОРТИДА ЮЗ ТАҚДИР МАСЪУЛИЯТИ БОР...

Ғузор туманидаги “Шерали” маҳалласида жиноятчиликни жиловлаш ва криминоген вазиятни барқарорлаштиришга жиддий киришилган, профилактик тадбирлар кучайтирилган.



Ҳудуддаги вазиятни соғломлаштириш мақсадида туман ички ишлар бўлими ташаббуси билан шу турдаги маҳаллаларда махсус ўқув-амалий семинар ташкил этилди. Тадбирда “еттилик” аъзолари тўлиқ иштирок этди.

Семинар давомида шунчаки ҳисоботлар тингланмади, балки жиноятлар сабаби ва уларни бартараф этиш усуллари атрофлича муҳокама қилинди. “Қизил” тоифадаги маҳаллаларни “сариқ” ва “яшил” тоифага ўтказиш бўйича ўзаро мувофиқлашган ҳаракатлар зарурлиги таъкидланди. Жиноятчилик фақат жазо чоралари билан эмас, балки ишсизлик, оилавий келишмовчиликлар ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш орқали камайиши алоҳида қайд этилди.

Залдаги муҳокамалар билан чекланиб қолмай, ишчи гуруҳ маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи алоҳида тоифадаги шахслар(муқаддам судланганлар, назорат остида турувчилар, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар)нинг яшаш манзилига борди. Ўтказилган профилактик суҳбатларда қайта жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди. Алоҳида тоифадаги шахсларнинг ижтимоий мослашуви, бандлиги ва оилавий шароитлари билан боғлиқ тўсиқлар ўрганилди. Муаммоси бор фуқароларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди.

Муҳими, “Хавфсиз маҳалла” тамойилини тўлиқ қарор топтириш мақсадида жиноят содир этишга сабаб бўлувчи омиллар(ишсизлик, низоли оилалар ва ҳоказо)ни олдиндан аниқлаш, муаммоли оилалар ва алоҳида тоифадаги шахслар билан индивидуал ишлаш белгиланди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.





“Ёшлар оромгоҳи”да ёшларни Германияга ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА тайёрлашга қаратилган 3 кунлик семинар ташкил этилди.



“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида ТОМДИ ТУМАНИДАГИ ШАРҚ ОВУЛИДА 90 ўринли замонавий болалар боғчаси қурилади.



Миришкор туманида маҳаллалардаги миграциядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

КЎРИНГАНИ ВА КЎРИНМАГАНИ...

Навбатда кимнинг вақти қадрли?

...Дўкон кассаси олдида уч-тўрт киши турибди. Кимдир саватини қўлига қисиб олган, кимдир телефонига қараяпти. Навбат секин силжияпти. Шу пайт орқадан яна бир одам келади. У кассага яқинроқ жойда турган танишини кўриб қолади ва “шу ерда эдим” дегандек, икки кишининг орасидан жой олади. Ҳеч ким унга очиқча эътироз билдирмайди. Фақат навбатда турганлардан бири унга бир қараб қўяди...



Бундай манзара бизга жуда таниш. Банкда ҳам, шифохонада ҳам, давлат идорасида ҳам навбат масаласи баъзан хизматнинг ўзидан кўра кўпроқ асаб талаб қилади. Кимдир “фақат бир нарсани сўрайман” деб олдинга ўтади. Яна кимдир “мендан кейин келган эди” деб танишини чақириб олади. Баъзан эса навбатда турган одамнинг ўзи ҳам норози бўлса-да, эътироз билдирмайди. Чунки у муросасизлик қилишни истамайди.

Нега бизда навбат бузилиши шунчалик осон, аммо унга эътироз билдириш баъзан қийин? Масаланинг бир жиҳати эса одамнинг шахсий одатида, бўлиши мумкин. “Ишим тез битса бўлди”, деган қараш жамоатдаги умумий тартибдан устун келганда, навбат энди умумий қоида эмас, ҳар ким ўзича ҳал қиладиган масалага айланади.

Иккинчи жиҳати эса тизимга бориб тақалади. Агар одамлар қайси жойда туриши, қанча кутиши ва навбати қачон келишини аниқ билса, баҳсга ўрин қолмайди. Шунинг учун кўп мамлакатларда навбат фақат “одоб”га ташлаб қўйилмайди. Рақамли талон, электрон навбат, олдиндан қабулга ёзилиш, ерга чизилган белгилар, ягона навбатдан бир нечта хизмат ойнасига тақсимлаш каби усуллар ишлатилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳам давлат хизматларида ортиқча кутиш ва ноаниқ жараёнлар одамларда асабийлик, вақт йўқотиши ва ишончсизликни кучайтиришини қайд этади.

Японияда, масалан, навбат кўп жойда одамларнинг ўзини ўзи тартибга солишига яқин тизим сифатида ишлайди. Метро бекатларида вагон эшиги очиладиган жойлар белгиланади, одамлар шу нуқталарда навбатга туради. Банкларда эса баъзи ҳолларда битта умумий навбатдан фойдаланиш мумкин: навбатдаги одам бўшаган биринчи ойнага боради. Япония Маданият агентлиги ҳам турли навбат шакллари, жумладан, битта умумий навбат усули мавжудлигини таъкидлайди.

Буюк Британияда эса навбат кўпроқ ижтимоий келишувга ўхшайди. Автобус бекати, дўкон ёки бошқа жамоат жойларида “ким биринчи келган бўлса, ўша биринчи хизмат олади”, деган тамойилни бузиш одамларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Бу ерда навбатни ҳар доим ходим ёки қоровул назорат қилиб турмайди — одамларнинг ўзи тартибни сақлайди.

Албатта, бу мамлакатларда навбат билан боғлиқ муаммо умуман йўқ, дегани эмас. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам тиббий хизматларда кутиш муддати жиддий масала ҳисобланади. OECD маълумотларига кўра, кўплаб мамлакатларда даволаниш ва мутахассис қабули учун кутиш вақтларини қисқартириш давлат сиёсатида алоҳида масала сифатида кўрилади.

Бизда эса навбатга муносабатнинг яна бир ўзига хос жиҳати бордек кўринади. Кўпинча қоидани бузган одам эмас, қоидани бузганига эътироз билдирган одам ноқулай вазиятга тушиб қолади. “Қўйинг, ўтиб кетсин”, “муҳим иши бор экан” деган гаплар билан навбатдаги адолат майда бир истисноға алмаштирилади. Лекин шу оддийлик ичида жамиятнинг муҳим бир келишуви яширин: менинг вақтим ҳам сенинг вақтинг каби қиммат.

Балким, бизга навбат кутишни қайтадан ўргатишдан кўра, навбатда турган ҳар бир одамнинг вақти бир хил қадрга эга эканини ҳис қилишни ўрганиш муҳимроқдир.

Нодиржон МАРДОНОВ,
Чимбой тумани.

ЎЙГА ТОЛДИРГАН ЎЙЛАР

Қизнинг овози баланд, онанинг сукути оғир эди...

Бозор чорраҳасида одамлар одатдагидек шошилиб ўтиб қайтарди. Кимдир харид қилган нарсаларини кўтариб уйига ошиқади, кимдир йўл четида танишига дуч келиб, бир зум суҳбатлашиб қолади. Шу гавжумлик орасида она ва қизнинг овози бирдан атрофдагиларнинг эътиборини тортди...

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Она қизига ниманидир тушунтириб, танбеҳ бериб борарди. Гап оҳангидан унинг койиётгани сезиларди. Аммо қиз онасининг гапини эшитиш ўрнига, бирдан унга юзланди. Овози баландлашди. Кейин янада баландлашди. Бир неча сония ичида она билан қизнинг тортишуви бутун чорраҳага эшитиладиган даражага етди.

Атрофдагилар қарай бошлади. Қизнинг кийинишига ҳам беихтиёр кўз тушади. Жуда тор шим, ўзига хос замонавий либос, ташқи кўринишидаги кескинлик... Замонавийликнинг ўзи ёмон эмас. Аммо замонавий кўриниш билан одоб, дид ва муҳитга мослик ўртасидаги чегара қаерда? Қизнинг қовоқлари солинган, юзида норозилик. Гўё бутун атроф унинг учун бегона, ҳамма эса унга қарашга мажбурдек.

Она эса ёнида. Бир пайтлар қўлидан етаклаб мактабга олиб борган, бошига қалпоқча кийдириб, совуқдан асраган, касал бўлса, тунлари ёнида бедор бўлган она. Бугун эса шу она кўчанинг ўртасида ўз фарзандининг баланд овозидан ноқулай аҳволга тушиб турибди. Энг оғриқли савол ҳам шу ерда туғилади: қиз онасига қачон шунчалик бегона бўлиб қолди?

Балки бу ҳолат бир кунда пайдо бўлмагандир. Эҳтимол, қизнинг қўпол гаплари аввал уйда майда эътирозлар кўринишида бошланган. Кейин телефон экранидаги видеолар, ижтимоий тармоқлардаги қаҳрамонлар, тенгдошларнинг муомаласи, мактабдаги муҳит аста-секин унинг сўз бойлиги ва хулқига сингиб боргандир. Балки ота-она буни дастлаб “ўтиш даври”, “ёш-да”, “кейин ўзгариб қолади”, деб қабул қилгандир. Аммо тарбияда “кейин” деган вақт ҳар доим ҳам келавермайди.

Бугун онасига кўча ўртасида бақираётган қиз эртага ўзидан кичикларга қандай муомала қилади? Кейинчалик ўз оиласида келишмовчилик туғилганда муаммони суҳбат билан ҳал қила оладими? Ўзи она бўлганида фарзандига қандай сўзлар билан мурожаат қилади? Эртага оилада келин, рафиқа, она каби масъулиятли мақомларни зиммасига олганда, бугун шаклланаётган муомала маданияти унинг муносабатларига қандай таъсир қилади? Бу саволларни шунчаки “қиз бола одобли бўлиши керак”, деган битта жумла билан ёпиб қўйиш қийин.

— Қабулимга келадиган қизларнинг аксарияти бир қарашда жуда оддий кўринган, аммо вақт ўтиши билан катталашиб кетган муаммолар билан мурожаат қилади, ***— дейди психолог Дилрабо Орипова.*** *— Оналар кўпинча: “Қизим менга гап қайтаради”, “Уйда ҳеч кимни эшитмайди”, “Телефонидан ажратолмаяпман”, “Кийинишини гапирсам жанжал қилади”, “Кимлар билан юришини билмайман”, “Олдингидай эмас, жуда ўзгариб кетди”, дейди. Қизларнинг ўзидан эса бошқа гапларни эшитамиз: “Онам мени тушунмайди”, “Менга фақат буйруқ беради”, “Нима қилсам ҳам кам”, “Мени бошқалар билан солиштиради”, “Уйда гапирсам, дарров уришади”.*

Мана шу икки гап орасида жуда катта масофа бор. Бизнинг амалиётда муаммонинг ўзи кўпинча охирги жанжал эмас. Охирги жанжал — йиллар давомида йиғилиб келган тушунмовчиликнинг ташқи кўриниши бўлиши мумкин. Масалан, она қизининг телефон кўп ишлатаётганидан норози бўлади. Телефонни олиб қўяди. Қиз бақиради. Она “тарбияси бузилиб кетди”, дейди. Аммо суҳбат давомида қизнинг кун давомида ота-онаси билан деярли гаплашмаслиги, ўзини оилада тингланмаётгандек ҳис қилиши ёки бутун мулоқот фақат танбеҳ ва талаблар атрофида кечиши аниқланиши мумкин.

Яна бир ҳолат тез-тез учрайди: қиз тенгдошларининг кийинишига, гапиришига ёки ўзини тутишига тақлид қилади. Она буни кўриб, дарҳол “Сен кимга ўхшамоқчисан?”, дея кескин муносабат билдиради. Қиз эса ўзини ҳимоя қилиш учун янада қатиқроқ жавоб қайтаради. Натижада она кийиниш ҳақида гапиряпти, қиз эса “мени тушунмайсиз”, деган ички норозилик билан жавоб бермоқда. Икки томон бир-бирининг асл гапини эшитмай қолади. Баъзан муаммо бундан ҳам чуқурроқ бўлади. Айрим қизлар ўзига эътибор етишмаётганини айнан хулқи орқали кўрсатади. Уйда ота-она доим иш билан банд, суҳбатга вақт кам, қизнинг ҳис-туйғулари ҳақида деярли сўралмайди. Шунда у ўзини бошқа муҳитда — дугоналари орасида ёки ижтимоий тармоқларда намоён қилишга уриниши мумкин. У ерда қандай гапириш, қандай кийиниш ёки қандай кўриниш “қизиқарли” бўлса, шуни такрорлайди.

Шунинг учун ота-оналарга мен доим битта нарсани айтаман: фарзандингизнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлишингиз мумкин, лекин аввал унинг ҳаётида нима бўлаётганини тушунишга ҳаракат қилинг. “Нега бундай қилдинг?”, деган саволнинг ўзи етарли эмас. “Сенга нима бўлди?”, “Нима сени ранжитди?”, “Нимадан норози бўляпсан?”, “Мен сени қайси жойда тушунмаяпман?”, деган саволлар ҳам берилиши керак.

Бундан келиб чиқадики, ҳурмат талаб билан ўргатилади, деган тушунча ҳар доим ҳам тўғри эмас. Бола ҳурматни, аввало, оиладаги муносабатдан кўради. Уйда катталар бир-бири билан бақириб гаплашса, бола ҳам жаҳл пайтида овозини баландлатишни оддий ҳол, деб қабул қилиши мумкин. Аксинча, ота-она келишмовчиликни суҳбат, тинглаш ва муроса орқали ҳал қилса, фарзанд ҳам шу усулни ўрганади.

Шу сабабли кўчадаги биргина жанжалга қараб қизга ҳукм чиқариш осон, лекин унинг ортида нима турганини излаш қийин. Тарбия ҳам айнан мана шу қийин саволдан бошланади: биз фарзандимизнинг хатосини кўряпмизми ёки унинг ортидаги сабабни ҳам излашга ҳаракат қиляпмизми?

БИЗДА ШУНДАЙ...

“Ота-онам дуоси — кўнглимдаги суянч”

Ишга, сафарга ёки узоқроқ жойга кетсам, онам эшик олдигача кузатиб чиқади. “Йўлинг очиқ бўлсин, болам. Яхши одамларга дуч кел”, дейди. Ростини айтсам, аввал бу гапларга унчалик аҳамият бермасдим. Ҳозир эса онамнинг дуосини эшитмай уйдан чиқсам, кўнглим ғаш бўлади...

Нодиржон МАРДОНОВ,
Чимбой тумани.

Бир куни иш билан бошқа шаҳарга йўл олдим. Шошилиб чиққаним учун ҳужжатларимдан бирини уйда қолдирибман. Йўлнинг ярмида эсладим. Қайтиб кетайми ёки ишимни кейинга қолдирайми, деб анча ўйланиб қолдим. Шу пайт онамнинг эрталаб айтган дуоси ёдимга тушди. “Йўлинг очиқ бўлсин...” деган гапи негадир кўнглимни тинчлантирди. Охири қайтишга қарор қилдим. Кейин билсам, ўша куни боришим керак бўлган жойда кутилмаган ўзгариш бўлибди. Борганимда ишим битмасди.



Шунда яна бир бор онамнинг дуоси мен учун нақадар қадрли эканини ҳис қилдим.Балки бу воқеанинг дуога қандайдир боғлиқлигини исботлаб бўлмас. Аммо инсон баъзи пайтлар айнан шундай ҳолатларда ўзини кимнингдир яхши нияти асраб тургандай ҳис қилади.

Бундай ҳикояларни бошқалардан ҳам эшитган бўлсангиз керак. Кимдир узоқ йўлга чиқишидан олдин онасининг дуосини олади. Кимдир муҳим ишга киришишдан аввал отасининг “омадингни берсин”, деган бир оғиз гапини кутади. Баъзан эса йиллар ўтиб, болаликда оддий туюлган шу сўзларнинг қадри бошқача сезилади.

Ота-онанинг, дуоси халқимиз ҳаётида азалдан алоҳида ўрин тутган. Фарзанднинг йўлига оқ фотиҳа бериш, катталарнинг розилигини олиш, сафар олдидан дуо сўраш — буларнинг барчасида бир маъно бор. Инсон ёлғиз эмаслигини, уни кутаётган ва яхшилигини тилаётган яқинлари борлигини ҳис қилади.

Бугун фарзандлар улғайиб, турли шаҳарларга, ҳатто бошқа давлатларга кетмоқда. Ота-она билан фарзанднинг кундалик мулоқоти ҳам аввалгидек эмас. Телефонда бир неча дақиқалик суҳбат, “етиб бордингми?” деган хабар, “ўзингни эҳтиёт қил” деган қисқа гап қолади. Лекин шу қисқа гапларнинг ортида катта меҳр бор.

Эҳтимол, катталарнинг дуосини асрабавайлаш дегани уни фақат йўлга чиқишда сўраш эмасдир. Ота-онанинг кўнглини оғритмаслик, ҳолидан хабардор бўлиш, розилигини олиш, уларнинг меҳри ва меҳнатини қадрлаш ҳам шу муносабатнинг бир қисми. Чунки инсон ҳаётда кўп нарсани топиши мумкин. Аммо унинг ортидан дуо қилиб турадиган ота-онасининг борлиги ҳар доим ҳам насиб қилавермайди. Шунинг учун баъзан уйдан чиқиш олдидан шошилмай, катталарнинг дуосини олиб кетишнинг ўзи ҳам инсонга бир умрлик таскин бериши мумкин.

ОДАМЛАРГА КЕРАК...

БИРОВНИНГ КРЕДИТИГА КАФИЛ БЎЛСАНГИЗ...

“Яқин одам-ку, ёрдам бериб қўяй”, деган ният билан бировнинг кредитига кафил бўлиш оддий илтимосдек кўриниши мумкин. Аммо банк учун бу илтимос эмас, ҳуқуқий мажбуриятдир. Қарздор кредитни ўз вақтида тўламаса, шартнома шартларига кўра, кафил ҳам кредитор олдида жавобгар бўлиши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Энг муҳим жиҳат Фуқаролик кодексининг 293-моддасида белгиланган. Агар қарздор кредит бўйича мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қарздор ва кафил кредитор олдида солидар жавобгар бўлади. Яъни банк қарзни фақат қарздордан талаб қилиши шарт эмас — талабни кафилга ҳам қўйиши мумкин. Кафилнинг жавобгарлиги, одатда, асосий қарз билан чекланиб қолмайди: шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, фоизлар, суд харажатлари ва қарздор мажбуриятини бажармагани туфайли юзага келган бошқа зарарлар ҳам қамраб олиниши мумкин.

Шунинг учун кафил бўлишдан олдин шартномада жавобгарлик ҳажми, кафиллик муддати, солидар ёки субсидиар жавобгарлик белгиланган, фоизлар, неустойка ва суд харажатлари кимнинг зиммасида эканини текшириш керак. Бу маълумотлар кафиллик шартномасида кўрсатилиши лозим.

Кафил учун яна бир муҳим ҳуқуқ ҳам бор. Агар у қарзни кредиторга тўлаб берса, Фуқаролик кодексининг 295-моддасига мувофиқ, тўланган сумма доирасида кредиторнинг



қарздорга нисбатан ҳуқуқлари кафилга ўтади. Яъни кафил кейинчалик ўзи тўлаган маблағни қарздордан талаб қилиш ҳуқуқига эга.


Демак, кафиллик — “яқинимга ёрдам бердим”, деган оддий имзо эмас. Бу банк олдида муайян молиявий мажбуриятни зиммага олишдир. Шу сабабли имзо қўйишдан олдин кредит суммаси, ойлик тўлов, шартнома муддати ва энг муҳими, “қарздор тўламай қолса, бу қарзни ўзим тўлай оламанми?”, деган саволга жавоб бериш керак.



ТОШКЕНТДА 585 ТА МАҲАЛЛАДА китобхонлик бурчаклари ташкил этилади.



Ўзбекистон “U-23” терма жамоаси ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЧОРАК ФИНАЛИДА Саудия Арабистони билан тўқнаш келади.



Ўзбекистонда ИШ ЖОЙИДАГИ ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА мурожаатлар учун портал ишга туширилади.

Mahalla №77 2026 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Алимент — ота-онанинг вояга етмаган фарзанди олдидаги моддий бурчининг амалдаги ифодасидир

Ажрашиш оталик масъулиятини камайтирмайди

...Наманган шаҳридаги бозорда кун одатдагидек бошланди. Харидорлар рўзғор ташвишида қаергадир шошган. Мажбурий ижро бюроси ходимлари эса бу манзилга йиллар давомида фарзандлари таъминотидаги бурчини бажармай келган отани излаб боришди. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида у новвойхонадан топилди. Қарздорлик эса 31 миллион сўмга етган эди.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда тарқалган бу хабар қайсидир маънода кишини чуқур мулоҳазага чорлайди. Қандай қилиб инсон ўз пушти камаридан бўлган ўғил-қизини чорасиз ҳолатда ташлаб қўйиши мумкин? Кимдир болаларнинг ёнида онаси борлиги билан вазиятни юмшатишга уриниши мумкин. Лекин аёл ҳеч қаерда ишламаса-чи?

Охирги вақтда оммавий ахборот воситаларида тарқалаётган ўз оталик вазифасини адо этишга бўйни ёр бермаётган масъулиятсиз эркаклар ҳақидаги хабарларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Кимдир буни ҳазилга йўйса, бошқалар жиддий муаммо сифатида таҳлил қиляпти. Аслида, ўз вақтида тўланмаган алимент биргина боланинг тақдирига қанчалар салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин.

Моддий етишмовчилик, биринчи навбатда, ўсиб-ривожланаётган вужуднинг тўла-тўкис таомланишига тўсиқ бўлади. Эри билан муроса қила олмай, муаммолар гирдобида қолиб кетган аёл отаси ёки бирор қариндош-уруғининг уйида ҳадди сиғиб фарзандига фойдали маҳсулотлар едира олмаслиги аниқ. Қолаверса, гўдакнинг шамоллаши, мавсумий хасталикларга чалиниш эҳтимоли ҳам катта. Моддий етишмовчилик касалликни ўз вақтида даволаш ҳамда дори-дармонларни харид қилишга тўлиқ имкон бермайди. Кийим-кечак масаласини-ку айтмаса ҳам бўлаверади. **Шунинг учун алимент — шунчаки пул эмас.** У ота-онанинг вояга етмаган фарзанди олдидаги моддий бурчининг амалдаги ифодасидир.



Оилавий муносабатлар тугаши мумкин. Аммо никоҳнинг бекор қилиниши ота-оналик масъулиятидан озод қилмайди. Эр-хотин бирга яшамаслиги мумкин, лекин фарзанднинг эҳтиёжлари, тарбияси ва келажаги барибир икки томоннинг масъулияти бўлиб қолаверади.

Афсуски, баъзан катталар ўртасидаги келишмовчиликлар, тўловларни кечиктириш, белгиланган маблағни ўз вақтида ажратмаслик ёки ижро жараёнидан четланиш эса муаммони янада чуқурлаштиради. Энг оғири, бу ҳолатнинг оқибатини катталар эмас, кўпинча болага таъсир кўрсатади.

Қарздорлик одатда қисқа фурсат ичида пайдо бўлмайди. Аввалига биринчи тўлов кечикади. Кейин иккинчиси. Шу тариқа вақт ўтгани сари йиғилиб борган сумма салмоқли миқдорга етиб, нафақат оила бюджети, балки қарздорнинг ўзи учун ҳам жиддий ҳуқуқий муаммоларни юзага келтиради.

ҲАЁТ САБОҒИ

Қонун ота-онанинг вояга етмаган фарзандларини таъминлаш мажбуриятини белгилаган. Бу талабнинг замирида эса оддий, аммо жуда муҳим ҳаётий ҳақиқат бор: бола ўз эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлай олмайди.

Шу боис катталарнинг ҳар бир қарори унинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатади. Ўз вақтида берилган маблағ бир оила учун оддий ёрдамдек кўриниши мумкин. Аммо бола учун бу — бир кунлик овқат, зарур дори, мактабга керакли жиҳоз ёки муносиб кийим-кечак бўлиши мумкин. Демак, бу ерда гап фақат қарзни ундириш ҳақида эмас. Шу билан бирга, унинг қонуний манфаатлари ва муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлашни назарда тутади.

Намангандаги воқеа шу нуқтаи назардан ҳам эътиборли. Новвойхонада аниқланган 31 миллион сўмлик қарз — биргина ижро ишининг рақами эмас. У ортига сурилган тўловлар, ўтган вақт ва таъминланиши керак бўлган эҳтиёжларни англатади.

ТАҚДИРЛАР

“ЭНГ КАТТА ЁРДАМ — БИЗНИ ШАХС СИФАТИДА ҚАДРЛАШГАНИ”

Денов туманидаги “Нуристон” маҳалласида яшовчи Сундур Жумаев болаликдан полиомиелит хасталиги билан яшаб келади. Синовларга қарамай, у ўз имкониятларини ишга солиб, миллий қадриятларимиздан бири бўлган сурма тайёрлаш орқали даромад топмоқда.



Маржон ТОШМУРОДОВА, журналист.

Бугун Сундур ва унинг оиласи давлат кўрсатаётган ижтимоий кўмаклардан баҳраманд. Хонадон вакиллари Ижтимоий реестрнинг давлат таъминотидаги оила тоифасида туради. Унга ногиронлик аравачаси берилган, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланган, электр энергияси ва табиий газ учун компенсация тўланган. Шунингдек, уй-жойини мослаштириш учун 60 миллион сўм ёрдам кўрсатилган, фарзандининг боғча харажатлари қоплаб берилмоқда.

— Инсон учун энг муҳими — ўзини керакли, қадрланган ва жамиятнинг бир бўлаги эканини ҳис қилиш. Бугун бизга яратилаётган имкониятлар туфайли мен ҳам ўз меҳнатим билан оиламга даромад келтиришга ҳаракат қиляпман. Шунинг ўзи биз учун катта далда, ***— дейди Сундур Жумаев.***

Унинг ҳикояси бир ҳақиқатни яна бир бор кўрсатади: ижтимоий ҳимоя — фақат ёрдам бериш эмас, инсонга ўз имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдир.

“Ўтган кунлар” — миллий қадриятлар манзараси

Глобаллашувнинг айрим унсурлари бугунги кунда маънавий жавоҳирларимизга бироз шикаст етказаётгандек. Аммо бебаҳо хазинамиз бўлган китобларимиз ҳамиша йўлимизни ёритувчи маёқдир. Ана шундай асарлардан бири — “Ўткан кунлар” романидир. Маълумки, унинг муаллифи улуғ маърифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Қодирийдир.



МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ

Шербек ИСЛОМОВ, журналист.

Ундаги образлар ва роман сюжети исталган ўқувчини ўзбекона муҳит ва қадриятлар кошонасига олиб киради. Бунда биз фақат муҳаббат қиссасигагина эмас, балки давр фожиасига, миллат эртасига бўлган масъулият ва юксак инсоний фазилатларга гувоҳ бўламиз.

Айтайлик, фарзанднинг ота-онага бўлган юксак ҳурмати аниқ ва таъсирчан тасвирланган. Масалан, Отабек гарчи ўз мақсадига ота-онасини хабардор қила олмай эришган бўлса-да, онасининг гапини ҳам икки қилишга ботина олмайди. Мулоҳаза қилиб кўрилса, асардаги Ҳасанали образи Отабекнинг маънавий отаси эди. Ҳар ҳолда, Юсуфбек ҳожи, яъни Отабекнинг отаси, шундай тайинлаганди. Бундай вазиятда Ҳасанали ўғил учун ҳам қарор қабул қила олган. Шунинг учун ҳам Марғилонда Кумушбибига айнан у совчиликка борган.

Умуман олганда, ота-она билан муомала маданияти ҳам ушбу асарда ўзига хос тарзда ифодаланган. Масалан, Отабекнинг отасига берган жавобини бир эсланг: Юсуфбек ҳожи “Биз сендан сўрамай, устингдан бир иш қилдик”, деганида, у шундай жавоб берган: “Яхши кишиларнинг фарзандлари устида қилган ишлари нотўғри бўлмайди”. Кўриниб турибдики, бу жавоб билан у ҳам оиласини юқорига қўймоқда.

Ёки бўлмаса, Кумушбибидаги тарбияни эслайлик. Ҳатто бетобликдан жони қаттиқ азоб чекаётган бўлса-да, хонага қайнотаси кирганида жойидан қўзғалиб, унга ҳурмат бажо келтиришга астойдил уринади. Бу каби мисоллар асарда талайгина.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур асар “ўзбек ким?” деса, “мана” деб кўрсатадиган даражадаги олий намунадир. Қолаверса, бугунги учинчи Ренессансга пойдевор қурилаётган замонда энг афзал йўриқнома ҳам айни унда мужассам. Негаки, давлатимиз раҳбари илгари сураётган китобхонлик маданияти, қизларнинг илмли бўлиши каби масалалар ҳам романда ўз ифодасини топган.

Муаллифнинг маҳорати шу қадарки, у ўтган кунлар орқали келажакка гўё видео қўлланма тайёрлаган. Чунки асарни ўқиган киши худди бир даврни тасмада кузатгандек бўлади. Бундан ташқари, юқорида бот-бот таъкидланган, бугунги кунда биз излаётган қадриятларимиз ҳам айнан “Ўткан кунлар” романидадир.

БАДАНТАРБИЯ

Велосипед билан саломатлик манзили янада яқин

Соғлом ва фаол ҳаёт тарзини шакллантиришда жисмоний ҳаракатнинг ўрни беқиёс. Шундай оддий, аммо самарали машғулотлардан бири — велосипед ҳайдаш. У нафақат бўш вақтни мазмунли ўтказиш, балки танани чиниқтириш ва умумий жисмоний фаолликни оширишнинг яхши усулидир.

Нуҳриддин АБДУҲОМИДОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.



Велосипед ҳайдаш жараёнида юрак-қон томир тизими фаол ишлайди. Мунтазам жисмоний ҳаракат юрак фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қон айланишини яхшилаш ва тананинг чидамлилигини оширишга хизмат қилади.

Ғилдирак айлантиришда оёқ, сон, бел ва бошқа мушаклар фаол ҳаракатга келади. Бу эса мушакларни чиниқтириш, жисмоний куч ва чидамлиликни оширишга ёрдам беради. Велосипед ҳайдашнинг яна бир муҳим жиҳати — бўғимларга тушадиган юкламани югуриш каби айрим машқларга нисбатан енгилроқ бўлишидир.

Доимий ҳаракат қувват сарфини оширади. Шу боис велосипед ҳайдаш вазнни назорат қилиш ва фаол турмуш тарзини сақлашга кўмаклашиши мумкин. Албатта, бунда овқатланиш тартиби ва жисмоний фаолликнинг мунтазамлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Велосипедда сайр қилишнинг фойдаси фақат жисмоний ҳолат билан чекланмайди. Айниқса, очиқ ҳавода айланиш кайфиятга ижобий таъсир кўрсатиб, кундалик чарчоқ ва руҳий зўриқишни камайтиришга ёрдам беради. Мунтазам жисмоний фаоллик уйқу сифатини яхшилаш учун ҳам фойдали.

Тоза ҳавода сайр қилиш ва ҳаракатда бўлиш қон айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу жараён тўқималарининг кислород билан таъминланишига ҳам кўмаклашади. Натижада инсон ўзини тетик ва енгил ҳис қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, саломатликни асраш катта ўзгаришлардан эмас, оддий одатлардан бошланади. Велосипедда сайр қилиш ана шундай фойдали одатлардан бири. Муҳими, ҳаракатни кундалик ҳаётимизга киритиш ва уни соғлом турмуш тарзининг бир қисмига айлантиришдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган омиллар

САЛОМАТЛИК ОДАТИ

Иммунитет — тананинг инфекция ва бактерияларга қарши табиий мудофааси. Унинг асосий вазифаси танага кирган микроб ва вирусларни аниқлаш ҳамда йўқ қилишдан иборат. Бунинг учун эса бир неча қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Саодат МУРОДОВА, Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокор ўринбосари.



Тўғри овқатланиш: ушбу қоида иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, C, D, E каби витаминлар, омега-3 ёғ кислоталари ва турли минерал ҳамда тўқималарга бой егуликлар тананинг курашиш қобилиятини ошириш билан бирга, барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бунинг учун саримсоқ пиёз, сабзи, лавлаги, занжабил, брокколи, наъматак, кўкатлар, қовоқ, олма, цитруслар, асал, денгиз балиқлари, сут маҳсулотлари, ёғсиз гўшт каби табиий мева-сабзавот ва озуқаларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний фаоллик: доимий ҳаракатда бўлиш ва ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш иммунитетни кучайтиради. Айниқса, бунда пиёда юриш, югуриш, велосипед учиш ва сузиш каби спорт машғулотлари жуда фойдали.

Тоза сув ичиш: сув саломатлик учун жуда муҳим унсур. У танадан токсинларни чиқариб, иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, ушбу тизимга тўғридан-тўғри фойдали таъсир кўрсатиб, танани заҳарланишдан ҳимоялайди. Аксинча кам миқдорда сув ичиш ҳужайра, тўқима ва аъзолар фаолиятига салбий таъсир этиб, иммун тизимининг заифлашишига олиб келади. Шу сабабли мутахассислар одам бир суткада ҳар бир килограмм вазни учун 40 миллилитр сув истеъмол қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Яхши ухлаш: уйқу давомида иммун ҳужайралари янада самарали ишлайди. Тананинг тўлиқ дам олиши учун катта ёшдаги инсонлар ҳар куни ўртача 7-8 соат тин олиши керак.

Зўриқишдан сақланиш: давомий асабийлашиш иммунитетнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун руҳий барқарорликни сақлаш жуда муҳим.

Гигиенага риоя қилиш: қўлларни тез-тез ювиш ва бошқа санитария қоидаларини амалга ошириш микроб ҳамда вируслардан ҳимоялайди.


Шунингдек, касалликларга қарши вакцина олиш, ёмон одатлардан воз кечиш ҳам иммунитетни мустаҳкамлайди.



“Wiki Loves Earth — 2026” энг йирик халқаро фототанловида иштирок этиши учун ЎЗБЕКИСТОНДАН 12 ТА ЭНГ ЯХШИ СУРАТ саралаб олинди.



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ Испаниядаги “Terres Travel Festival — Films & Creativity 2026” фестивалида олтин медалга сазовор бўлди.



Ўзбекистоннинг 9 та санъат асари САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

ТАҲЛИЛ

Йўл ҳаққи нархини ошириш муаммога ечим бўладими?

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг жамоат транспортида йўл ҳақи тарифларини қайта кўриб чиқиш лойиҳасига кўра, 1 октябрдан жамоат транспортида йўловчи ташиш ҳаққини ошириш таклифи илгари сурилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



Масъуллар бу таклифга асос сифатида амалдаги тариф харажатларнинг фақат бир қисмини қоплаши, ташувларни молиялаштириш бўйича асосий юк ҳамон давлат бюджети зиммасида қолаётганини қайд этишган. Аслида, дунё тажрибасида ҳам жамоат транспорти деярли ҳеч қачон соф фойда келтирмаган, у — ижтимоий мажбуриятдир.

Хўш, нархларни ошириш муаммога ечим бўладими? Бу саволга қисқача “йўқ”, деб жавоб бериш мумкин. Йўл ҳақини ошириш зарар ҳажмини бир оз камайтириши мумкин, лекин тизимни мутлақо фойдали қила олмайди.

Агар нарх кескин оширилса, аҳолининг бир қисми (айниқса, ўрта ва кам таъминланган қатлам) жамоат транспортидан воз кечиб, бошқа муқобил восита(такси ёки шахсий автомобиль)га ўта бошлайди. Натижада йўловчи сони камаяди ва умумий тушум кутилгандек ошмайди.

Жамоат транспорти — ижтимоий соҳа. Халқнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ундан фаол фойдаланади. Демак, нархнинг кескин ошиши ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Агар одамлар қимматлик сабаб автобусдан воз кечиб, шахсий машина ёки таксидан фойдаланишга ўтишса, шаҳарларда тирбандлик янада ортади. Бу эса иқтисодиётга жамоат транспорти зараридан кўра, ўн баробар каттароқ билвосита зарар келтиради.

Муаммонинг ҳақиқий ечими нимада? Дунёнинг ривожланган шаҳарлари (Лондон, Париж, Вена) тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоат транспортини давлат ва шаҳар бюджетидан субсидияланиши шарт. Аммо зарарни камайтириш ва тизимни барқарор қилиш учун қуйидаги қадамларни ташлаш керак.

Масалан, **алоҳида йўлаклар** *(А автобус йўлаклари)* **тармоғини кенгайтириш жуда муҳим.** Шунда одамлар вақтни тежаш учун ўз машинасидан воз кечиб, автобусга ўтади. Йўловчи оқими кўпайса, зарар ўз-ўзидан камаяди. Шунингдек, **кунлик, ҳафталик ёки йиллик чекловсиз абонементлар арзонроқ нархда сотиб олишга рағбатлантирилиши** керак. Бу транспорт тизимига олдиндан катта нақд пул оқими кириб келишини таъминлайди.

Шаҳар марказида **машина қўйиш жойларини пуллик қилиш** ва ундан тушган маблағларни тўғридан-тўғри жамоат транспорти субсидиясига йўналтириш лозим.

Бекатларда, автобус ва метроларда реклама ишларини тўғри ташкил этиш, атрофида кичик савдо нуқталарини ижарага бериш орқали қўшимча даромад топиш ҳам ўзини тўлиқ оқлайди.

Жамоат транспортига сарфланган маблағ — бу зарар эмас, балки шаҳарнинг иқтисодий соғломлиги, ҳаво тозалиги ва аҳоли ҳаёт сифатига тикилган инвестициядир. Нархларни асоссиз ва кескин ошириш муаммони ҳал қилмайди, балки уни янада чуқурлаштиради. Стратегик ечим — автобуслар тезлиги ва хизмат сифатини ошириш орқали йўловчилар оқимини кўпайтиришдир.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Афсона ва тарих туташган манзил

Бу ерда, вақт гўёки тўхтаб қолгандек...

Ўзбекистоннинг чекка бир ҳудудида, қумликлар бағрида шундай маскан борки, у ерда вақт тўхтаб қолгандек туюлади. Қорақалпоғистоннинг Миздахон некрополи, бу — шунчаки қадимий қабристон эмас, балки милоддан аввалги IV асрдан буён инсоният изларини ўзида сақлаб келаётган, афсона ва тарих туташган 200 гектарлик улкан археологик мажмуадир.



Хайрулло ФАЙЗ.

Агар сиз оддий сайёҳлик йўналишидан чарчаган ва сирли манзил излаётган бўлсангиз, Куня-Урганч ва Устюрт кенглигига элтувчи йўллар чорраҳасидаги учта тепаликка, албатта, қадам босишингиз керак.

Миздахоннинг энг машҳур нуқтаси — “Жаҳон соати” деб аталувчи қадимий иншоотдир. Халқ орасидаги ривоятларга кўра, бу ерга биринчи инсон — Одам ато (айрим манбаларда зардуштийликдаги илк инсон) дафн этилган.

Афсонага кўра, бу иншоот деворларидан ҳар йили атиги битта ғишт қулайди. Қачонки, энг охирги ғишт ерга тушса — дунё тугайди ва Қиёмат бошланади. Шу сабабли, зиёратчилар ва сайёҳлар йиқилган ғиштларни бирма-бир териб, кичик пирамида ясашади. Гўё шу йўл билан инсоният умрини узайтиришга, эзгу ниятларига эришишга ишонишади. Минглаб тош пирамидалар шаҳарчаси одамга ўзгача бир сирли кайфият бағишлайди.

Миздахон бир-биридан қизиқарли ва ноёб обидаларни ўз ичига олган. Шамун Наби ер ости мақбарасига кирганингизда, ташқи дунёнинг барча шовқини йўқолади. Ичкаридаги мутлақ сокинлик ва салқин ҳаво одамга руҳий хотиржамлик беради. Улкан қабр сайёҳларни ҳайратга солади.

Мазлумхон Сулу мақбараси ҳам ўзига хос меъморчиликка эга. Бу обида севги ва садоқат рамзи ҳисобланади.

Ва ниҳоят, тош ва лойдан тикланган Гяур Қалъа номли қадимий қалъа деворлари ҳанузгача улуғворликни йўқотмаган.

Бу ерлар бир пайтлар Буюк Ипак йўлининг энг гавжум бекатлари бўлганидан далолат беради. Олиб борилган археологик қазишмалар давомида ноёб қадимий тангалар, шиша ва тилладан ишланган юқори санъат буюмлари ҳамда маиший анжомлар ҳудуднинг вақтида нечоғлик бой маданият маркази бўлганини исботлайди.

Мажмуа Қорақалпоғистоннинг Хўжайли тумани жанубий-ғарбий чеккасида жойлашган. Нукус шаҳридан автомобиль ёки маҳаллий автобуслар орқали 30-40 дақиқада осонгина етиб олиш мумкин. Мажмуа ҳудудига кириш бепул.

Миздахон — улкан маънога эга қадамжо. Ўтмиш ёдгорлиги эмас, балки инсониятнинг яратилиши ва ниҳояси ҳақидаги фалсафий ўйлар масканидир. Бу ерга бир бор келган олим ҳам, оддий сайёҳ ҳам дунёга бошқа кўз билан қарай бошлайди.

СИЗ БУНИ БИЛАСИЗМИ?

Нега тинчланиш учун чой ичамиз?

Бу одатми ёки мажбурият?..

Ишингиз юришмаса, чарчасангиз ёки кимдир дилингизни хира қилса, яқинларингиз дарҳол “Қўй, сиқилма, кел, яхшиси, бир пиёла иссиққина чой ич, ўзингга келасан”, дейишади. Ҳақиқатан ҳам бир неча пиёла чойдан кейин енгил тортиб, тинчланамиз.



Хўш, нега айнан чой? Оддий иссиқ сув ёки шарбат эмас, айнан чой асабимизни тинчлантиради? Бу шунчаки бува-бувиларимиздан қолган одатми?

Тиббиёт ва кимё олимлари саволга аллақачон аниқ жавоб топишган. Гап шундаки, чой барглари таркибида фақат ушбу ўсимликка хос бўлган Л-теанин (L-theanine) деб аталувчи ноёб аминокислота мавжуд.

Бу модда инсон миясига етиб борганда, ҳаяжон ва хавотирни келтириб чиқарувчи руҳий зўриқиш гормонларини тўсади.

Олимларнинг аниқлашича, бир пиёла кўк ёки қора чой ичганингиздан 30 дақиқа ўтиб, мияда тинчлик ва хотиржамлик учун жавобгар бўлган альфа тўлқинлар фаоллашади. Яъни, чой сизни мудратиб қўймайди (ухлатиб қўядиган дорилар каби), балки сергак, аммо мутлақо хотиржам ҳолатга келтиради.

Бундан ташқари, чой ичишнинг ўзига хослиги бор. Аммо чойни шошиб ичиб бўлмайди — куйиб қоласиз. Нозик пиёлага қуйиш, иссиғини кафтларингиз билан ҳис қилиш, ҳидидан баҳра олиш ва шошилмасдан хўплаш — миямизга хавфсизлик ва тинчлик хабарини юборади. Бу худди қисқа муддатли мослашишга ўхшайди.

Шундай экан, кейинги сафар кимдир сизга чой узатса, шунчаки чанқоқбосди, деб ўйламанг. Бу — табиат инъом этган, энг арзон ва энг безарар “тушкунликка қарши” воситадир.

Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

“Танти”лик ҳар бир ватандошимизнинг қонида бор

Кундалик ҳаётда бирор бағрикенг, қўли очиқ ёки мард одамни кўрсак, ҳеч ўйлаб ўтирмай, “жуда танти экан” ёки “фалончининг тантилиги бор”, деб қўямиз. Бугун тилимизда бу сўз, асосан, “сахийлик” ёки “қўли очиқлик” маъносида ишлатилади. Лекин, аслида, унинг замиридаги маъно кўлами анча кенг.

Шохсанам НАЖМИДДИНОВА.



Хўш, бу сўз қаердан келиб чиққан ва аждодларимиз кимларни “танти” деб аташган? Тилшуносларнинг таъкидлашича, “танти” сўзи қадимги туркий тилдаги “тан” (ҳайратланиш, лол қолиш) ёки ўзакдош бошқа тушунчалар билан боғланади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам шунга яқин ўзаклар учрайди. Асл маъносига кўра, танти, бу — шунчаки пулини осонгина сарфлайдиган бой эмас. Аксинча, қалб кенглиги, соддадиллик, ичи билан таши бирлик, лафзида туриш ва ўз манфаатидан бошқаларнинг қувончини устун қўя билишдир. Танти одам ҳисоб-китобни билмайди, қилган яхшилиги эвазига таъма қилмайди. Бағри шу қадар кенгки, ўзганинг ютуғидан қувонади.

Ўзбек адабиётида “танти” атамаси халқнинг энг сара фазилатларини ўзида жамлаган қаҳрамонларга нисбатан ишлатилган. Масалан, Абдулла Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар” романида ўзбек миллий характерининг энг гўзал қирраларини тасвирлаганда, бу тушунчага тез-тез мурожаат қилади. Халқ достонларида эса Алпомиш ёки Гўрўғли каби баҳодирлар фақатгина кучли бўлгани учун эмас, балки айнан қалби кенг, феъли “танти”лиги учун ҳам эъзозланган. Бу хислат — мардлик ва орияти баландликнинг олий рамзи ҳисобланган.

Афсуски, бугунги куннинг шиддатли тижорат ва ҳисоб-китоб замонида сўзнинг маъно майдони бироз торайиб, фақатгина “ош-нон берадиган, пул сочадиган” одамга нисбатан айтиладиган бўлиб қолди. Бироқ, халқимизнинг ички маданиятида тантилик — бу миллатнинг виждони ва юзидир. Чўнтагида маблағи бўлмаса-да, уйига келган меҳмонга борини тутадиган, дўсти учун жонини фидо қилишга тайёр турган ҳар бир ватандошимизнинг қонида шу тантилик яшайди.

Афсуски, бугунги куннинг шиддатли тижорат ва ҳисоб-китоб замонида сўзнинг маъно майдони бироз торайиб, фақатгина “ош-нон берадиган, пул сочадиган” одамга нисбатан айтиладиган бўлиб қолди. Бироқ, халқимизнинг ички маданиятида тантилик — бу миллатнинг виждони ва юзидир. Чўнтагида маблағи бўлмаса-да, уйига келган меҳмонга борини тутадиган, дўсти учун жонини фидо қилишга тайёр турган ҳар бир ватандошимизнинг қонида шу тантилик яшайди.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Эски пулларни сотиш ёки сотиб олиш мумкинми?

— Муомаладан чиқариб юборилган пулларни, бошқа қийматда сотиб олса бўладими? Масалан, эски давр-даги 100 сўмликни ҳозирда муомалада бўлган 10 минг сўмга баҳоласа жоизми?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Қонунан муомаладан чиқарилиб, тўлов қобилиятини йўқотган пулларни бошқа қийматда олди-сотди қилиш мумкин. Бунда рибо ҳосил бўлмайди. Масалан, муомаладан чиқарилган 100 сўмлик пулни 10 минг сўмга сотиб олиш жоиз. Чунки эски пуллар оддий бир буюмга, айланиб қолади.

Фиққий қоидаларга кўра, агар танга ёки қоғоз пул, муомаладан чиққан ва қонуний тўлов воситаси сифатида тан олинмаса, унда бундай тангаларни номинал қийматидан қимматроққа сотишга рухсат этилади. Бундай тўплам қилинадиган пул ўз хусусиятини йўқотгач, унда рибо юзага келиш хавфи қолмайди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 345 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920